



Навоийдан

саъдог оқиғаҳо



Навоийдан
саъдог оқиғаҳо

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК:821.512.133-06

КБК 83.3(5Тур)-8

Н14

Тўпловчи ва таржимон:

Янгибой Қўчқоров, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

Тақризчи:

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги,
Корақалпокистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Ж. БОЗОРБОЕВ

И14 **Навоийдан савод очдим...** [Мати] / тўп-
ловчи ва таржимон Я. Қўчқоров. – Тошкент:
«O'zbekiston», 2016. – 176 б.

ISBN 978-9943-28-587-3

Таваллудининг 575 йиллиги кенг нишонланадиган даҳо сўз санъаткори, миллий адабиётимиз муҳташам биносининг бош меймori, базал мулкинииг султони Алишер Навоий ҳазратларининг бебаҳо адабий мероси жаҳон ҳалқлари, шу жумладан, туркӣ забон миллатлар маъниавияти учун тенгиз жавоҳирлар уммони хисобланади. Корақалпок мумтоз ва ҳозирги замон адабиётининг равиаки ҳам бевосита буюк шоир шеърияти чанмасидан куч олади. Ушбу китобга Навоийдан савод очиб улуғ шоирларга айланган Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақдан тортиб ҳозирги замон корақалпок шеъриятининг энг ёркин вакилларидан бирин Б.Генжамуродигача бўлган 50 нафар шоирнинг энг сара асарлари киритилган.

Тўплам шеър ихлосмандлари учун ардоқли армуғон бўлади, деган умиддамиз.

УЎК:821.512.133-06
КБК 83.3(5Тур)-8

ISBN 978-9943-28-587-3

© С. Я. Қўчқоров (тарж.), 2016

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2016

НАВОЙ МЕХВАРИДА ПОРЛАГАН ЮЛДУЗЛАР

Дунё тарихидаги энг забардаст ижодкорлар «лүф», «буюк» ва ниҳоят «титан» («алп») рутбаси билан шарафланадилар. Беназир зотларининг и охий қудратларидан бирни шулки, улар наинки ўз замондошлари, балки кейинги авлодларга ҳам мутасил таъсир ўтказиб келадилар. Даҳо сўз сатъаткорларининг бошика миллатлар адабиётларига таъсирлари ҳам доимо кенг эътироф этилади. Уларниң ўз қавмидан чиққан қалам ахлига таъси рлари эса сўзсиз, бенеботдир.

Ҳазрат Алишер Навоий шеърият султони сифтида неча асрлардан бўён наинки башарият, батки туркий қавм адабиётларига ҳам бекиёс раҳнамо бўлиб турибдилар. Беназир шоиримиз ўзининг ушбу тарихий миссиясини «Лисон утта ёр» яъни «Қуш тили» деб номланган бебахо дестонида чексиз ифтихор ила қуийдагича ифода тайдилар:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам.*

Дарҳақиқат, неча замонлар ўтиб ҳам, турли ту экий халклар ва қавмларининг буюк шоирлари ўзларини фаҳр билан ҳазрат Алишер Навоийнинг издошлари, шогирдлари деб атайдилар. Ҳолбуки, уларниң ҳар бирни ҳазилакам шоирлар эмис, балки чин маъниода ўз халклари адабиётининг ғуурлари хисобланадилар. Жаҳоншумул усоз Навоий эса уларниң барчалари учун му-

каммал қиблагоҳ мақомини ўтаб келмоқда. Мен бу ўринда Навоийдан сабоқ олиб буюклик доғонига чиққан озарбайжонларнинг ажойиб шоирни Фузулий, туркман мумтоз адабиётининг доно карвоношибиси Махтумқули, қозоқларнинг улуғ оқини Абай ва қорақалпоқ шеъриятининг бетимсол дарғаси Бердақнинг сўнмас сиймоларини назарда тутмоқдаман.

Буюк даҳо шоирлар бамисоли фалак соҳиби қуёшга ўхшайдилар. Неча минг йиллар ўтса ҳам юлдузлар, сайёralар унинг атрофида бутун олам тортишиш қонунига риоя қилган каби, ўз орбиталари бўйлаб ҳаракат қилиб турадилар. Бу манзара уларни асло камситмайди, балки, аксинча, буюкликларининг бус-бутунилигини тасдиқлади. Ва бу шонли фазилат авлодларни бир-бирларига тоабад қариндош-уруг қилиб юборади. Негаки, уларнинг пирлари, жумладан, адабиётдаги надарлари бир, ушбу ўринда эса бу, шубҳасиз, Алишер Навоий бобомиздир.

Мен 2000 йилнинг сентябрида Нукусда, атоқли замондош адибимиз Тўленберген Қаинбергенов таваллудининг 70 йиллиги тантанасида «Агар жаҳон халқларининг рамзий намойини ўtkaziladigan bўlsa, шубҳасиз, олдинги сафларда қорақалпоқ халқи, унинг улуғ шоирлари Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ ва улар билан изма-из бетакрор шоир Ибройим Юсупов авлоди боради» деган эдим. Ҳақиқатан ҳам, буюк Бердақнинг ажойиб сатри билан «Навоийдан савод очдим» деб номланган ушбу китобга уч улуғ классикдан бошлиб 50 нафар мумтоз ва ҳозирги замон қорақалпоқ шоирларининг шеърлари киритилгани айни муддао бўлибди. Мен катта авлод вакилларидан Жўлмирза оғани, Тўленберген шоирни, Хўжабек

Сейитовни, Бойниёз оғани, Тожиддин Сейитжонни яхши билар эдим. Замонамизнинг забарқаст шоири бўлган Ошиқ Аёз – Ибройим Юсупов билан эса узоқ йиллар бир коришдан тушган оғани мисол қадрдан бўлдик. Қайсии оға, Мустай оға, Расул оға, Довуд оға, Суюнбой, Ўлжаслар таврасида гоҳ қимиз, гоҳ кўк чой ичиб шеърлар қидик.

Устоз шоир ёзганидек, ҳар кимнинг ўз замони бор. Биз мансуб авлоддан Тўлепберген Матмуатов, Тўлибий Қобулов, Кенгесбой Раҳмонов, Генгелбой Сарсенбоевдек ажойиб шоирлар етишиб чиқди. Менинг қадрдан дўстим Улмамбет Ҳўжаназаров эса саксон ёш остонасида ҳам фаол шекод қилмоқда. Худди али тулпорлар изини тойиар босгандек, Жиянбой, Ҳикматулла, Кенгесбой, Абилькосим, Халилла, Шарофатдин ва ихоят «Ўкуздарё битиклари» деган ажойиб китоби билан шон-шуҳрат қозонгап Бахтиёр Генжамурод ўгуниги қорақалпоқ шеъриятининг байроғини жаланд кўттармоқдалар. Китобга кирган барча шеърларни таниқли шоиримиз, биз билан сира ўскирмас, мустаҳкам қадрдонликка эга инимиз Янгибой Қўчкоров тувишган халқ тилига алоҳида меҳр, маҳорат билан таржима қилгани эътирофга тоийиқдир. Зеро, Янгибойнинг ўзи ўша жаннатмакон гўшанинг жонажон фарзанди хисобланади. Үнбу магзи тўқ китоб буюк бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 575 йиллигига муносиб тухфадир!

*Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон ва Қорақалпогистон
халқ шоири
10 январь, 2016 йил*

Күнхўжа ИБРОХИМ ўғли
(1799–1880)

ҚАЧОН КҮРАРМАН?

Поёни йўқ бу дунёда,
Қачон онамни кўрарман?
Армони кўп бу дунёда
Зор-зор йиглаб юрарман.

Дунёнинг жабри ёмондур,
Душманинг боши омондур,
Бойга, бийга зўр замондур,
Шу боис йиглаб юрарман.

Ўн йил бўлди, элдан кетдим,
Хивасинда хизмат этдим,
Элни соғиниб зор ўтдим,
Халқимни қачон кўрарман?

Кора пул бўлмай топиним,
Келиб турибди номусим,
Абдимурод яқин дўстим,
Овулни қачон кўрарман?

Ёдимдан онам кетмади,
Бир кун бир ойдай ўтмади,
Топганим таомга етмади,
Овулни қачон кўрарман?

НЕГА КЕРАК?

Сайраган булбул бүлмаса,
Ичи овозга түлмаса,
Хамиша яшиаб турмаса,
Очилган гул нега керак?

Шарқираб суви оқмаса,
Эккан әкинилар қонмаса,
Вақтида тошиб-тиммаса,
Окікан сувлар нега керак?

Узокдан күзга түшмаса,
Шамоли қаттиқ әсмаса,
Тенаси булатта тегмаса,
Аскар тоғлар нега керак?

Яшиаган ёзи бүлмаса,
Шувоқни яшил қымаса,
Вақтини билиб ёғмаса,
Кора ёмғыр нега керак?

Күрган ўлжасин олмаса,
Қапотта шиддәт солмаса,
Йүқ жойдан ишион топмаса,
Карчигай қүш нега керак?

Корасин узиб кетмаса,
Ортиқча қорув этмаса,
Кочиган қүёнга етмаса,
Олир този нега керак?

Үмровли түшнүү кермаса,
Емларни ташлаб емаса,
Пойгада ўзиб келмаса,
Дол бедовлар нега керак?

Белларин маҳкам бувмаса,
Үтган ўчларни қувмаса,
Онадан ортиқ тувмаса,
Фосиқ фарзанд нега керак?

Бўйи кун сари ўсмаса,
Душман кўкайин кесмаса,
Тоймай курашига тушмаса,
Қўрқоқ полвон нега керак?

Халқнинг орин орламаса,
Бору йўқни борламаса,
Очу тўқقا қарамаса,
Авом бошчи нега керак?

Икки ёқни тенг кўрмаса,
Ё тўғри одиллик бермаса,
Халқ билан ўйиаб-кулмаса,
Кадхудолар нега керак?

Хайр-саҳовати бўлмаса,
Оч қорни мойга тўлмаса,
Дунёниг юзи бўлмаса,
Ўта бойлик нега керак?

Халқига сўзи ёқмаса,
Дарёдай тўлиб оқмаса,
Элнинг ёвига боқмаса,
Куруқ ботир нега керак?

Ота-онасин қутмаса,
Ҳам деганини этмаса,
Отам, онам демаса,
Ёмон фарзанд нега керак?

Күндай қулиб-яшнамаса,
Булбул бўлиб сайрамаса,
Қувонишиб ўйнамаса,
Кув умрли эр нега керак?

КУН ҚАЙДА?

Ўрдик ўроқ, чопдик ўтин, қаздик ён¹,
Тердик бошоқ, эгнимизга солдик қоп,
Ёш умрлар гулдек сўлиб бўлдик соб,
Бу юрмоқдан энди бизга кун қайда?

Ўроқ ўриб, умр бўйи бўлдик қул,
Ишласак ҳам ололмадик қора пул,
Не жононлар бойи ўлиб қолди тул,
Энди бунга яйраб-яшинар кун қайда?

Куни туни ўрдик пичан, шолини,
Куз пайтлари йиедик пишган тариқни,
Ўлгунича бир бор тўймаган қорни,
Оч, яланюоч биз шўрликка кун қайда?

Солик солиб ушибу ҳолга ҳар доим,
Солигин соглани биз бўлдик қойим,
Бир луқма бу вақтда эди оҳ-войим,
Бу юрмоқдан энди бизга кун қайда?

Эгнимга тортмоққа йўқ бирор кийим,
Оғайним ҳам йўқдир ё фамхўр бийим,
Қўшилиб ётмоққа бўлмаса уйим,
Бу юрмоқдан энди бизга кун қайда?

Тонганимиз етмай қора тангага,
Кийим ҳам бир заруратдир бандага,
Бозордан совғами, қанд-курс янгага
Олиб бормоқ учун бизда ҳол қайда?

¹ Ён – анхор.

Начора, йигитлар, ёлғончи дунё,
Алдади бизларни йўл солиб қиё,
Кора бошга бу не деган воқеа,
Бу юрмоқдан энди бизга кун қайда?

Ошигинг бор эди, толмадай бўйи,
Тенгларидан ортиқ ақл ва ўйи,
Бўлар деб қувонган яхшилик тўйи,
Жилемурат кўрадиган кун қайда?

Жилемурат, сенинг билан эдим дўст,
Ер ҳайдасам бирга бориб солди қўш,
Йўқчиликдан қолдинг, мана, бугун бўш,
Ошигингга етадиган кун қайда?

Бу ёқдаги кўрган хорлиқ, азобни,
Оғир иш-ла кечалари харобни,
Чой ўрнига ичган айрон, чалобни,
Кучоқлашиб айтадиган кун қайда?

Қайғудан қорайиб қайнаган ичи,
Билакдан айрилиб соб бўлган кучи,
Сайимбетжон эдинг бизлардан кичик,
Шахтинг синмай юрадиган кун қайда?

Беш ёшингда оғанг билан қўй боқдинг,
Сен чўпони бўлдинг майда улоқнинг,
Йўл тои, жон чирогим, синмасин шахтинг,
Яйраб-яшиаб турадиган кун қайда?

Ёнимдаги икки бирдек йўлдошим,
Қайғу, замга тушди менинг бу бошим,
Кўздан кўл, дарёдек оқди-ку ёшим,
Бу дунёга келганимдан не фойда?

*Ажиниёэ ҚҰСИБОЙ ўғли
(1824–1878)*

БҮЗОТОВ¹

Кетар бүлдик әнди бизлар бош олиб,
Хүш омон бүл, биздан қолдинг, Бүзотов.
Хүшлашайлык кора күзга ёш олиб,
Хүш омон бүл, биздан қолдинг, Бүзотов.

Ер ҳам әл биландур, әл ҳам ер билан,
Ерсиз әлнинг куни дарбадар билан,
Умри ўтар юракдаги шер билан,
Қадриниг сенинг бизга ўтди, Бүзотов.

Йүк әдим, бор бүлдим, камолига келдим,
Миниб араби отлар, давронлар сурдим,
Понинигни күп едим, роҳатин күрдим,
Хүш омон бүл, биздан қолдинг, Бүзотов.

Қанча вакт яхшига ҳамсұхбат бүлдим,
Шоду хуррам бўлиб, ўйнадим, кулдим,
Душманлар жабридан кетар ҳам бүлдим,
Хүш омон бүл, биздан қолдинг, Бүзотов.

Сен бое әдинг, булбул учди, зое қолди,
Бутқул сийнам ёнди, ичда доғ қолди,
Қийшиқ Пўрхон² отов³ сендан ёғ олди,
Боши кутлуге, сўнги вайрон, Бүзотов.

Кимсанинг онаси, кимнинг аммаси,
Кимсанинг оғаси, кимнинг ишиси,
Кимсанинг қиз-ўғели, кимнинг синглиси,
Атрек, Гургон, Ҳазор ошди, Бүзотов.

Бўзотов – «Бўзорол» матьносида.

Пўрхон – зикр түшувчи табиб.

Отов – орол.

Кимсанинг қиз-үғели, орзули ёри,
Кимнинг қоши қора, күзи хунхори,
Асир бўлиб, термилишиб ҳар сори,
Йиғлаб от олдига тушди, Бўзотов.

Отадан айрилди қалпоқли ўғлон,
Сотилди, хур бошин айлади гулом.
Кимлар Ироқ кетди, кимлар кетди Шом,
Кимсалар Курд, Техрон тушди, Бўзотов.

Кимсанинг қардоши, ўғил ҳам қизи,
Тутилди қун билан ой ва юлдузи,
Харир атлас кийган кимнинг ёлғизи,
Золимлар илгина тушди, Бўзотов.

Қора кўз, хипчабел қиз билан жувон,
Юзлари гул каби, кўзлари мастан,
Худо амри билан бордилар Болқон,
Давлат қуши сендан учди, Бўзотов.

Киприги – ўқ, анинг қошлари – камон,
Юзлари – қирмизи хуршиди тобон,
Лайли, Зулайҳодек не гўзал жонон,
Асир бўлиб қўлга тушди, Бўзотов.

Сахар вақтда кирқма қурол отилди,
Банди бўлдим, қўлга кишанин илди,
Паридек қиз чўри бўлиб сотилди,
Канизлик бошина тушди, Бўзотов.

Қалъа бузиб, душман бағрим доғлади,
Кимга қурол отиб, кимни боғлади,
Сенда кўп мусулмон ўғли йиғлади,
Бошингга мушикул иш тушди, Бўзотов.

Кимса шахид бўлди, жондин айрилди,
Кимса гадо бўлди, молдин айрилди,

Кимса кўзи хунхоридин айрилди,
Бошингга қиёмат тушди, Бўзотов.

Тақдир – Аллоҳдан дур, сабаб – қўнғиротдан,
Бераҳм Сейилхон деган әлатдан,
Айро тушдинг очомойли, қиётдан,
Элатсиз, яйловсиз қолдинг, Бўзотов.

Эр йигит боини мункул иш туниди,
Юрак-бағрим ғамнинг ўтига пишди,
Элатинг устингдан сернилиб кўчди,
Хўш омон бўл, биздан қолдинг, Бўзотов.

Кўзим ёшли, мен кетарман, чорам йўқ,
Бир худодан бошқа пушти паном йўқ,
Ҳамма кетди, сенда турар одам йўқ,
Хўш омон бўл, биздан қолдинг, Бўзотов.

Қалъя боши бўлдинг, сен, мулла Пирим,
Ўзинг толиб илм, қўнғлингда киринг,
Қўнғирот боланг олса, у ҳам ўз биринг,
Хўш омон бўл, биздан қолдинг, Бўзотов.

Зивар¹инг хўшлашар қадрингни билиб,
Кўзидан ёш артиб, бағрини тилиб,
Омон бўлса, хол сўрагай бир келиб,
Хўш омон бўл, биздан қолдинг, Бўзотов.

ДАВРОН БЎЛМАДИ

Санамлар қўлинда тилла соз эдим,
Авжига келтирас жонон бўлмади.
Туқсан индан талпинган олғир боз² эдим,
Халфа, сайёдларим момон³ бўлмади.

¹ Зивар – Ажиниёзниң тахаллуси.

² Боз – ов қуши.

³ Момон – ўз ишининг устаси, устоз маъносида.

Умр берса ичу таши армонли,
На даркор сурмасаң беш күн давронни!
Чұлларда юрган оху – жайронни
Соялаган шаңли даврон бўлмади.

Алиф қаддим долдек бўлиб букилди,
Кўзларимдан қонли ёшим тўкилди.
Йўл бўйига уйган асл юкимни
Бозорга элтгудек карвои бўлмади.

Дарак йўқ учирган қубокушимдан,
Бозорим тарқади эрта нешинидан,
Карвои ўтган вақтда менинг душимдан,
Кўнгил мулким йўлга анжом бўлмади.

Сиррим фош этмадим ҳаргиз ҳеч кимга,
Ситамкор айладим жонга беш кунда,
Гузар дарбандига курган кўшкимда
Дардимни дардлашар ҳамдам бўлмади.

Дунё бир қўрсатиб Лайли жамолин,
Олди-кетди фикри-зикри хаёлим,
Хирмон шай чоғида бермай шамолин,
Шамол берса, отар хирмон бўлмади.

Булбулни зор этиб шайдо гулларга,
Мажнун каби хайдаб чўлдан чўлларга,
Насибам кўн сочиб гайри элларга,
Чўпладб бўлдим десам, тамом бўлмади.

Менда ватан бўлди элатсиз қолган,
Боғларидаи булбул учиб, зор қўнгани,
Зивар дер дунёга келганим ёлғон,
Менда бир бекайғу замон бўлмади.

* * *

Қашқалдоқ¹ қатламгина ёғ битса,
Шовқин солиб қўнар кўлини танимас.
Подиохнинг давлати қайтайни деса,
Кўзини ёғ босиб, элин танимас.

ҚЎНГЛИМ МЕНИНГ

Оға, беклар, қўнглим етим,
Очилимас тумона менгзар.
Бир бошимдаги ҳасратим
Гирдобли уммона менгзар.

Умримниг қасри йиқилган,
Иқбол косаси тўкилган,
Хатсиз, қаламсиз чекилган
Бир ажаб девона менгзар.

Дардимниг йўқ хеч давоси,
Бузилди қўнглим Хиваси,
Умидвор инсон дунёси
Шавкатсиз давронга менгзар.

Орзулар кўзгуси синган,
Сувлар асвак² бўлиб тинган,
Етим қўнглим бойқуш қўнган
Бир кўшки-айвона менгзар.

Онік – ёрсиз, булбул – гулсиз,
Кийик – чўлсиз, сўна – кўлсиз,
Зийуар айтур, юртсиз, элсиз
Одам бир девона менгзар.

¹ Қашқалдоқ – қуни тури.

² Асвак – оқар сувин нафбат билан берини найтида тўсиб кўшилини.

БҮЗОТОВЛИ НОЗАНИН

Бўзотовли гулбинафша нозанин
Асалинг арини гулдан бездирап.
Киприкларинг сузиг боққан назаринг
Юлдузни жавратиб, тундан бездирап.

Жамолинг бир кўриб кетдим куч-кордан,
Юзимни ўғирдим шамсиқамардан,
Ўзимни бездириб сабру қарордан,
Сабру қароримни мендан бездирап.

Кумурсқадек хипча-хипча белларинг,
Бармок тўла узук-узук ал¹ларинг,
Асал қотган чучук-чучук тилларинг,
Илонни силжитиб индан бездирап.

Фалакнинг ўйини – Жайҳун гирдоби,
Бир табассум этсанг кўнглимнинг тоби,
Севги лашкарининг даҳнат шитоби,
Бул омонат жонни тандан бездирап.

Пистадек бурнингда тилло арабак,
Икки қора кўзинг икки балодақ,
Урганч юрти ичра бегим Тўрабек,
Тахтидан тойдириб, элдан бездирап.

Кўнглим тугмасини бир-бир яздириб²,
Кайта бошдан кўхна дардим қўздириб,
Коғир кўзинг мусулмонни оздириб,
Бечора Зиварни диндан бездирап.

¹ Ал – қўл.

² Яздириб – ечиб.

ЙҮЛ БҮЛСУН

Гулгун кийиб, мастан босиб келган қиз,
Хабар беринг, паризодим, йүл бүлсун.
Жилва билан шириң жоним олган қиз
Хабар беринг, паризодим, йүл бүлсун.

Чехрангни менгзарам олғир лочинга,
Шавкат учун сурма чекиб қопшингга,
Заррин рұмол, укпар тақиб бошиングга,
Хабар беринг, паризодим, йүл бүлсун.

Лабларинг пистадек, тишинг маржондир,
Күрган ҳайрон, күрмаганга армондир,
Хар бир сўзинг дардли қулга дармондир,
Хабар беринг, паризодим, йүл бүлсун.

Кулогингга тақиб олтин сирғани,
Миниб «қўч» олдида юрган йўрғани,
Кўрган бўлур оқ юзингнинг қурбони,
Хабар беринг, паризодим, йүл бүлсун.

Устингга кийганинг бешбанд-подшойи,
Товус бир қўйлагинг гулгун доройи¹,
Белбогинг бежирим, зарли – қалайи,
Хабар беринг, паризодим, йүл бүлсун.

Қаламқоппинг, қора кўзинг сузилур,
Оқ сийнангда тилло ҳайкл² тизилур,
Юзингни кўрганда бағрим эзилур,
Хабар беринг, паризодим, йүл бүлсун.

Хар сўзингда минг ноз этиб ўлдирма,
Фусса билан юрагимни тўлдирма,
Оқил бўлсанг, рақибларга билдирма,
Хабар беринг, паризодим, йүл бүлсун.

¹ Доройи – тенгти йўқ, биттагина.

² Ҳайкл – кўкракка тақиладиган такинчоқ.

Мен сени севмишам элдин ягона,
Отингни қилмадим юртга ошкора,
Күйдинг мени адo бүлмас хижрониа,
Хабар беринг, паризодим, йўл бўлсун.

Зивар айтур: бизнинг даврон ўтгандир,
Фоғилликка армон бўлиб кетгандир,
Сени кўриб ёр хумори тутгандир,
Хабар беринг, паризодим, йўл бўлсун.

ГЎЗАЛЛАР

Қиё боқиб менинг жонимни олиб,
Юз минг жилва билан чиқар гўзаллар.
Юрагимга адo бўлмас ўт ёкиб,
Менинг жоним ўтга ёкар гўзаллар.

Турнадек ўтириб, сўнадек юрган,
Юз минг жилва билан қабогин керган,
Сочларига лаълу маржонлар терган,
Минг туман ноз билан боқар гўзаллар.

Қора кўзи гавҳар каби жовдираб,
Кийган тўни кўрган сайин ялтираб,
Ўмровмунчоқ, ҳайкел тақиб шилдираб,
Сузиб қаламқошии қоқар гўзаллар.

Ҳайит, маъракада йигит йиғилса,
Куну туни бирдек томоша бўлса,
Шул замонда қизлар соллона келса,
Жонин очиб, кўзин тикар гўзаллар.

Ёр саройи даврон ўн тўрт ёшинда,
Қизлар юрар эрди тегра-ташинда,
Айтар Зивар ёр савдоси бошинда,
Айтдим суйганимдан буни, гўзаллар.

БИР ЖОНОН

Күзимга күриниб, беклар, бир жонон,
Ширин жоним ўтга ёқди-ю, кетди.
Ёлғони йүк, бул сүзимга сен инон,
Минг жилва ноз айлаб боқди-ю, кетди.

Тун ўртада эрдим уйқуда ётиб,
Адаб-аркон билан бизни уйғотиб,
Ширип-шакар маъни сўзларин қотиб,
Бир он тўхтамайин чиқди-ю, кетди.

Кўрган замон уни бағримни эзиб,
Ўлтиридим жонимдин умидим узиб,
Жоним ўтга ёқди кўзларин сузиб,
Қаламқошин менга қоқди-ю, кетди.

Ақлимдин айрилдим кўрган шу замон,
Уйғониб уйқудан кўрсам бир жонон,
Киприги ўқ каби, қошлиари камон,
АЗИЗ жоним тандин чиқди-ю, кетди.

Зиё-зулфи раигин мисоли қундуз,
Кўра олмай юрган яқиндан ҳаргиз,
Лайли, Зухра каби ул соҳибтаъмиз,
Боди сабо янглиғ эсди-ю, кетди.

Зиё-зулфи тол-тол, соchlари сунбул,
Ошиқларнинг этар кўз ёшин сел-сел,
Зорлик Зухра, Санам киби хипчабел,
Боди сабо каби ўтди-ю, кетди.

Чашми жоду жаллод, қошлиари қалам,
Кўйди сийнамизга юз минг доф, алам.
Ноз айлабон чучук тилли ул санам,
Менга бир иснодни тақди-ю, кетди.

Сарафроз қомати, садаф дандонли,
Бошдин то оёки адаб-аркоили,
Ул ҳам менинг каби юз минг армоили,
Кўздин қонли ёшин тўқди-ю, кетди.

Лайли, Зухра, Санам янглиғ сурати,
Сарв ниҳолига ўхшар қомати,
«Оҳ» деганда чиқсан оғзининг ўти,
Ўн саккиз минг олами ёқди-ю, кетди.

Иzzат-икром билан жавоб, тоиг, шоми,
Тавозелиғ олган, берган саломи,
Ғамза билан боқиб айтган қаломи,
Тамом устихоним ёқди-ю, кетди.

Атласдир устига кийгани онинг,
Бошда дурра, қўлда фаранг рўмоли,
Ошиқ Зивар ани кўрган замони,
Олис сайрон этиб оқди-ю, кетди.

Бердақ ҚАРҒАБОЙ ўғли
(1827–1900)

ЯХШИРОҚ

Оқ буедойи туриб сули сепкандан,
Тоза шоли туриб, курмак эккандан,
Жўнсиз қирқ кун қайғу-ҳасрат чеккандан,
Тан соғликда бир кун шодлик яхшироқ.

Дунёга чиқсан сўнг баҳтинг очилса,
Душманларинг оёғингга бош урса,
Ёв бўйсуниб, икки қўлин қовширса,
Кўзни олайтгандан иззат яхшироқ.

Юмуш ишла, туғилган сўнг эл учун,
Жонингни аяма элда эр учун,

Киндиқдан қон томиб, түкқап ер учун,
Үлиб кеттүннингча хизмат яхшироқ.

Хеч қачон дүстларинг бўлмасин ҳайрон,
Қўлдан келса солинг душманга вайрон,
Элу ҳалқ бир бўлиб айлангиз сайрон,
Туғилган ер учун ҳурмат яхшироқ.

Гайри бирорларни этиб қурдошинг¹,
Оқизмагин дилбарингнинг кўз ёшии,
Ёмон бўлса ҳам умрлик йўлдошинг,
Вактинча қўл берган ҳурдан яхшироқ.

Одам боласинда бўлсин ор-номус,
Энг ками юз бўлсин кўз кўрган таниш,
Магар билмай қўлни қийса бир қамиш,
Шул вақт қонин тийган ордан яхшироқ.

Эр йигитга номус билан ор керак,
Оқкўнгил, қаламқош севар ёр керак,
Мехмон келса, кутиб олар ҳол керак,
Сўйгани бир эчки молдан яхшироқ.

Хуш келдинг, деб отдан тушган ул кўнок,
Ўтирган бўлмасин шу уйни синаб,
Кўзли ҳам оёқли, тилли бир чўлоч,
Хуиарсиз, билимсиз қўлдан яхшироқ.

Хива хон қасд этиб, пўсди қанғиб² юрт,
Мулксиз ночорларга тушди кўп солвирт³,
Узунаси текис, йўғон бир аргит⁴,
Сони юз, сифатсиз толдан яхшироқ.

¹ Курдошинг – аёл билан ришига боғламоқ маъносида.

² Қанғиб – қавмнинг иложксизликдан кўчиб юриши.

³ Солвирт – солик.

⁴ Аргит – дараҳт тури.

Үйғониб эртадан юмушга чиқиб,
Күлиңгни қабартиб, белингни букиб,
Тиззангни сизлатиб, меҳнатин чекиб,
Еган бир зогоранг болдан яхшироқ.

Терән акл керак сүзни тизмоққа,
Тиник хаёл керак барын сезмоққа,
Сув ичинди ваҳимасиз сузмоққа,
Бир қайиқ олти юз солдан яхшироқ...

...Ўзга кам-күст келиб тушиби, ох-войим,
Сабабсиз таёк еб, иедур гунойим,
Ерни, қўкни халқ айлаган худойим,
Бу юришидан ажал келган яхшироқ.

Бир оқиом айтдириб урди ёзиқсиз,
Не чора бойлогсиз ҳолда, қозиқсиз,
Корақалпоқ кунинг ўтди ёруғсиз,
Бул ўтган умрдан зипден яхшироқ.

Не асл сўз айтдим, ўтди аёисиз,
Не хизматлар этдим, кетди поёнсиз,
Мен ҳам бир жон эдим юртга зиёсиз,
Хўрлик кўрдим, тек¹ ўлгандан яхшироқ.

Бердимурод айтар, кўролмай ёнду,
Ўлиб кетар бўлди, очилмай бахти,
Бердимурод – халқни, халқи – Бердақни,
Ёлғизинидай кўрар жондан яхшироқ.

Таржимондан: жуда кўп нашрларда Бердақ ҳазратларининг ушбу шеъридан 24 сатр қисқартириб берилади. Биз бу анъанадан чекиниб, фақат маниший кўз-қарашларни акс эттирган 16 сатрдан воз кечдик, холос.

¹ Тек – факат, холос, лоакал маъносида.

БҮЛГАН ЭМАС

Бул дунё дунё бўлгали,
Подиоҳ одил бўлган эмас.
Шонрлар қалам олгали,
Хатга тўғри солган эмас.

Иноқу бекнинг боллари,
Ҳамиша етди қўллари,
Қийшиқ бўлса ҳам йўллари,
Ҳеч вақт ҳориб-толган эмас.

Кетмои урсанг томирига,
Қара ҳар ишининг сабрига,
Қўл солсанг ҳам замирига,
Ҳаргиз гули сўлган эмас.

Бўлмади айтган ниятим,
Хор айлаб манов умматин,
Йиглай-йиглай барча етим,
Йигламас вақт бўлган эмас.

Қадрсиз ғарининг жони,
Сурмади завқу сафони,
Ичдаги қайғу жафоини,
Йўқ қилас вақт бўлган эмас.

Кўнгилга қайғу тўлдириб,
Етимишинг гулин сўлдириб,
Ўзларин ноумид бўлдириб,
Ҳеч вақтда қолган эмас.

Ўзларига яқинлардан,
Қавму қардош, оқиллардан,
Табиати баҳиллардан,
Ботириб ҳеч олган эмас.

Бизнинг халқымиз бийлари,
Создур жаҳонда уйлари,
Тоймасдан ҳеч вақт қўйлари,
Тўғри жавоб айтган эмас.

Босгандা катта қўнишни,
Бажаргач бориб юмушни,
Ҳам мақтаб Қулон бўлисни,
Оғанг сарпо олган эмас.

Қўлда борни тортиб олди,
Бало-баттар ортиб олди,
Айтишган йўқ ётиб олди,
Уни ҳеч ким билган эмас.

Шунда бўлса юмалоқ бош,
Ёрилмади бул қора тош,
Кўзимдаи оқди қоили ёш,
Ҳеч ким келиб артган эмас.

Менинг бул айтган сўзларим,
Сўзларим эмас, ўзларим,
То юмулгунча кўзларим,
Ҳеч вақт ёнсиз бўлган эмас.

Зое ўтказдим умримни,
Кўп тиладим юримимни,
Бондан ўтган қунларимни,
Ҳеч бир одам билган эмас.

Бирорлар жуда зўр бўлди,
Бирорлар жуда хўр бўлди,
Лочинга қурган тўр бўлди,
Тўри ҳеч ким узгаи эмас.

Қарағай әмас, сүқит¹ бўлдим,
Қари әмас, йигит бўлдим,
Тоғдан учган бургут бўлдим,
Қўнар ерим бўлган әмас.

Ёрқанот² бўлдим шари йўқ,
Илон бўлдим зари йўқ,
Жонсиз бўлдим кори йўқ,
Уни одам билган әмас.

Сибизга бўлдим, соз бўлдим,
Уним чиқмади, оз бўлдим,
Полопон әмас, гоз бўлдим,
Қўнарга кўл бўлган әмас.

Узун әмас, иргай бўлдим,
Барча сўзга ўнғай бўлдим,
Дон йўқ ерда тўрғай бўлдим,
Емин қоним тўлган әмас.

Гул бўлдим, гул яшнамадим,
Ўйчи бўлдим, ўйламадим,
Булбул бўлдим, сайрамадим,
Ходиса оз бўлган әмас.

Бурни йўқ бир пучук бўлдим,
Мағзи ғовак учук бўлдим,
Қирғий қувган чумчук бўлдим,
Қочгани ер бўлган әмас.

Қарағаймас, қайин бўлдим,
Боғда лоладайин сўлдим,
Шамшир олиб сермаб кўрдим,
Уни ҳеч ким билган әмас.

қит - тол.

қанот - кўршапалак.

Мол хашаги бүён бўлдим,
Кундан қочгаи қуёи бўлдим,
Дўстларимга зиёни бўлдим,
Уни ҳеч ким билган эмас.

Селсиз куни ёғин бўлдим,
Сонсиз эслан довул бўлдим,
Тўйнак¹ солган қовун бўлдим,
Тўнфисиз куни бўлган эмас.

Оғзин ўрадай очгани,
Обрўсининг қочгани,
Ҳеч қачон тўнғиз тўнғизни
Озиқ учун ёрган эмас.

Бозиргон ўтди дунёдан,
Гўрўғли кетди ютиб қон,
Охир ажал бўлди зиндан,
Гўрига ҳеч ким кирган эмас.

Золимларнинг жабри ўтди,
Йиғлай-йиғлай эсим кетди,
Нега бунча шўрлик этди?
Ёруғ куним бўлган эмас.

Бировлар оч, бировлар тўқ,
Тўқ одамининг қайғуси йўқ,
Оч одамининг уйғуси йўқ,
Ани тўқлар билган эмас.

Кўкни қора булут босиб,
Faфлатда баんだлар шошиб,
Фарибларнинг бахти ошиб,
Димоги чоғ бўлган эмас.

¹ Тўйнак — хом қопун.

Бовурдош бовурхонамда,
Фамхўрим менинг панамда,
Туққап ғарип ул онамда,
Қалини мол ҳеч бўлган эмас.

Ота-бобом мол-мулк йигиаб,
Чивин жонин доим қийиаб,
Қаҳқаҳ уриб қулиб-ўйиаб,
Очликдан ёлчиған эмас.

Қорақалпоқ халқи булиб¹,
Қўшии бўлган эли қулиб,
Бирозлари йўлда ўлиб,
Юз йил қўниис босган эмас.

Қорақалпоқ халқ бўлгали,
Халқ номиии олгали,
Ҳақ таоло йўл солгали,
Бир тенгликини олган эмас.

У эл қорақалпоқ бўлди,
Кирилса ҳам урипок бўлди,
Бердимурод Бердақ бўлди,
Дофии ҳеч ким билган эмас.

Эшопларда мурувват йўқ,
Оғабийдә адолат йўқ,
Бойда хайр, саховат йўқ,
Бир инсофга кирган эмас.

Бирорвларниг қўнгли хушидир,
Золимлар сармаст, сархушидир,
Қанот боғлаб кўкка учди,
Улар ҳеч зор бўлган эмас.

¹ Билиб – дарбадар кезиб.

Манманлиқдан завол топдим,
Камтарликдан камол топдим,
Золим сұздан увол тондим,
Иқрорин ул билған әмас.

Оға беклар, сиртим бутун,
Ичим ёниб, бұлды тутун,
Ошириб золимлар ҳаддин,
Хеч бир раҳм қылған әмас.

Бүлған әмас ёғду, чироқ,
Яқин ерим бұлды йироқ,
Остимдаги хачир бироқ,
Тұлпопраға тең келған әмас.

Бу дүнёга келған одам,
Қайғу-ғамга беріб чидам,
Бүй ёзолмай кетдик мудом,
Билмай ҳеч ким қолған әмас.

Бул дунё дунё бүлмади,
Армопсиз очлар түймади,
Душманнинг гули сұлмади,
Тилагим ҳеч бүлған әмас.

Бердимурод менинг ўзим,
Олд-ортимни күрмас күзим,
Таки шажарадур сўзим,
Бироқ қадрим бүлған әмас.

Дўстлар, дўстга зиён этманг,
Вафосизга поён этманг,
Ҳаргиз йўлдан чиқиб кетманг,
Йўлдан чиққан унган әмас.

Юрсам-да бирга халойиқ,
Елкамни тирнади буғдойиқ,

Бул сүзми күнглимга лойик,
Буни ҳеч ким билган эмас.

Эй, ёронлар, мусулмонлар,
Дунёдаги мүмин жонлар,
Қавми қардош, қадрдошлар,
Ҳеч вақт тилак бўлган эмас.

Тилак қабул бўлар қачон,
Ким қора халқ, кимлар эшон,
Кетармизми биз бенишон,
Поёни ҳеч бўлган эмас.

Бу дунёй кайғу, гафлатдир,
Одамларни абгор этди,
Кўпларнинг бошига етди,
Ҳеч одиллик бўлган эмас.

Фариб-ғасир, факирларга,
Кўзи ожиз, сўқирларга,
Ҳеч қачон мүмин қулларга,
Бир ёруғлик бўлган эмас.

Ўлган ўлди, ўлмаганлар,
Бу дунёга келмаганлар,
Уқубатни кўрмаганлар,
Ҳеч вахима қилган эмас.

Бу дунёниг дарди ёмон,
Қувон, бошиниг бўлса омон,
Тушди бошга охирзамон,
Инон дўстлар, ёлғон эмас.

Бу замонниг турқи баттар,
Ҳар ким бошиниг ғамин тутар,
Қора туман қачон кетар,
Сўнган чироқ ёнган эмас.

Дунёга келдим, не күрдим,
Кайғу, ҳасратда құп юрдим,
Адо бүлмас ичда дардим,
Хеч ким нигоҳ солған әмас.

Бердимурод менинг ўзим,
Күнхұжаны күрди күзим,
Әшиятдим Ажиниәз сүзин,
Улар хам шод бүлган әмас.

Бердақ ҳазратларининг ушбу шеъри ҳам
бир неча мүқобил матига эга. Биз 1956 йили
Нұкусда чоп этилған «Қорақалпоқ поэзиясининг
антологияси»га кирган матнни таржима қылдик.

ХАЛҚ УЧУН

Йигит бүлсанғ арслондай туғилған
Хизмат этгил сен доимо халқ учун.
Йигит бүлса арслондай туғилған,
Хеч қақон иш әтмас факат ўзи учун.

Ўзи учун ишлар ақлга зайл,
Бүлиб у шундайин замонға қойил,
Элни кезған бир дарбадар шул жохил,
Хеч вақтда юмуш әтмас халқ учун.

Үйлаб, Бердимурод, айтгил сўзингни,
Кўтармай лоф айлаб факат ўзингни,
Қизартмагай бирор сенинг юзингни,
Қўлдан келса хизмат этгил халқ учун.

Етарсан муродга хизматлар этсанғ,
Элатинг ўйлласа ҳар ёнга кетсанғ,
Душманнинг ҳар қақон бошига етсанғ,
Аямагин хизматингни халқ учун.

Йигит бўлар йигит одам сртади¹,
Лйтган сўзин болдан ширин этади,
Лйтса бир сўз иқорига етади,
Шунга менгзаб хизмат этар халқ учун.

Нолимлар тингламас мўминининг зорин,
Улар ўйлар ўзларининг ўнг-торин,
Ҳеч вақтда золим кўлинда борин,
Үратмаслар бор бўлса-да халқ учун.

Ўйчан йигит яхши, илми соз келар,
Лйтган гапларининг англаб боз келар,
Ақлсизнинг хосияти оз келар,
Аҳмоқлар ҳеч хизмат этмас халқ учун.

Ақли сўз эргаштирмас изига,
Чўп солмайди ҳаргиз ёрин кўзига,
Енклас асло номаҳрамнинг юзига,
Шулар хизмат этар доим халқ учун.

Хизмат этар одам ўзин дод этиб,
Душманин мунғайтиб, дўстин шод этиб,
Кечакуидуз ота-онасин ёд этиб,
Хизмат этар ота-она, халқ учун.

Яхши эргашмагай фосиқ сўзига,
Кўп берилмас ўз бошининг ҳази²га,
Ғайрат берив то ўлгунча ўзига,
Хизмат этар мудом улуғ халқ учун.

Яшининг уйига одам кўп келар,
Ёлон бўлса унинг кўзи еб келар,
Ўриқдан «ога», «ога» деб келар,
Хосияти бўлмас унинг халқ учун.

¹ Ер адди — эрганитиради.

² Ҳази — манишатига.

Пухта этиб ишлайдиган ишини,
Йифнасак деб әлат билан эсини,
Эргасириар доим ёшу кичикни,
Охири ўзини тенглар халқ учун.

Бўри оригини ҳеч вақт билдирилас,
Яхши одам душманларин кулдирилас,
Қўлдан келса унга даврон сурдирилас,
Шул йигитнинг жони қурбон халқ учун.

Лё кўнглим, ўйлан, осийлик этма,
Манманлик айлаб сен ноҳаққа кетма,
Асло сирни душманингга билдиритма,
Шунда ишинг бажо топгай халқ учун.

Одам ўғли бари бирдайин бўлмас,
Бирнинг гули сўлса, бирники сўлмас,
Яхши бўлса беодоблик иш қилмас,
Яхши бўлса хизмат этар халқ учун.

Ғўч йигитга номус керак, ор керак,
Қадди-бўйли, нозли нигор ёр керак,
Узок йўлга кетса, қатор нор керак,
Яхши йигит хизмат этар халқ учун.

Сўзлайн бўлғуси ишларни пайқаб,
Асло иш қилманлар номаъқул ўйлаб,
Кўрганларининг ичи-сиртини жойлаб,
Бор топганин сарф этарлар халқ учун.

Ишингда, йигитлар, хомлик бўлмасин,
Фунчаласа гулинг, ҳаргиз сўлмасин,
Билак кучли бўлиб, қўлинг толмасин,
Хизмат қилгин кўлда боринг халқ учун.

Дўстлик билан ҳар бир ишга тахт турсанг,
Жон аямай эл-юрт учун иш қилсанг,

Қайғу тортмай катта ишга қўл урсанг,
Шунда менинг кўнглим ўсар халқ учун.

Ахши одам оёғига бош ураг,
Емонлар дарғазаб айлаб, тош ураг,
Мард йигитлар халқ ишига таҳт турар,
Шунингдеклар хизмат қиласар халқ учун.

Іе ёрон йигитнинг кўнглида бўлса,
Ҳамиша халқ учун хизматлар қилса,
Ўйланиб элинда доим таҳт турса,
Ани ёрон дерман туққаи халқ учун.

Ўч йигитга дармои бўлса элати,
Ўундан кунга ортар унинг қуввати,
Ізнида қолади йигитнинг оти,
Ўу туфайли жавлон ураг халқ учун.

Уул замонда жабру жафо чекарман,
Уора кўздан қонли ёшлилар тўкарман,
Золимларнинг зулмин қўриб сўкарман,
Куйганликдан жоним ачири халқ учун.

Еўлмади ҳеч ерда манзил-маконим,
Энгаш-закқум бўлди ичиб-еганим,
Еўлмади айтсам ҳам менинг деганим,
Кўнглим юпатамай фақат халқ учун.

Бордимурод, хақиқатни изладинг,
Мудом ўзинг тўғри гузар кўзладинг,
Ёнзулардан қўрқмай сўзни сўзладинг,
Кин фойдаси бордур бунинг халқ учун.

Кувват берсин ўзи нозик белларга,
Майдани очилган тоза гулларга,
Бахт келармикан бизнинг элларга?
Ўгунача айтурман сўзни халқ учун.

Йигитлар, айтайни, тингланг зоримни,
Мен баён этайни арзу ҳолимни,
Азоб билан олар бўлди жонимни,
Бердимурод айтар доғини халқ учун.

Ажал етиб, ўлсам бир куни ўзим,
Ортимда қолгайдир тартибли сўзим,
Кўрди бир нечани тирик чоғ қўзим,
Фарқин билган хизмат этар халқ учун.

Душманларни бу замонда зўр этдинг,
Шул сабабли биздекларни хўр этдинг,
Уламонинг анчасин ўғри этдинг,
Унинг зардолари зиёни халқ учун.

Бўйин буриб, кўнглим, хафа бўлмагил,
Қайгуланиб сарғиши тортиб сўлмагил,
Беодоблик ишни асло қилмагил,
Шунда ишининг ривож топар халқ учун.

Ёмон одам сўзининг билмайди фарқин,
Ҳамина ёмонлаб, қавми ва халқин,
Кўтармоқчи бўлиб фақат ўз данқ¹ин,
У доимо зиёни этар халқ учун.

Яхши одам сўз маъносин англайди,
Ёмон одам фосиқ сўзни тинглайди,
Ёмон одам ҳаргиз ўғит олмайди,
Кўнглим менинг вайрон бўлар шул учун.

Яхши одам ёқар ширин жонингга,
Ёмон одам бўяр қизил коинингга,
Кўл солгайлар яна сенинг нонингга,
Ёмон одам шундок бўлур феъли учун.

¹ Данқин — шонин.

Әгалар, бүлмөкда юрагим пора,
Зимистон дүпёда чекарман нола,
Үтма дүстим, сұзларимни оввора,
Мен ҳам хизмат этар әдим халқ учун.

Әга-беклар тортса ёт юртга насиб,
Құшманлар қувонар күкайинг кесиб,
Орап күнлар борми күнглим чин ўсиб?
Үтуң умрим баҳш эттәйман халқ учун.

Әмоң йўлдош найзасига илдирап,
Іхши йўлдош инсонлигин билдирап,
Құшмани мунғайтиб, дүстни кулдирап,
Цуларап хизмат этар улкан халқ учун.

Әгалар, сўзимни санаманг айб,
Сишини айтмайман сиртидан сайнб¹,
Мен ҳам тилаганинг бири қўл ёйиб,
Менинг күнглим шодланарми халқ учун?

Құшмандан бафлатда топмадим сафо,
Қуруқ сўзни айтиб юрманглар «ховва»²,
Эши улувлардан олинглар дуо,
Дойдаси бўларми гарип эл учун.

Зир яратган бергай менга саодат,
Эргтирмагил бул юрганда ёмоң от,
Ганда юрса беш-олти күп омонат,
Зарф этарман бор кучимни халқ учун.

Әр йигитининг аёл отин чикарап,
Әмоң кез келса, йигит не қилар,
Әмоң йўлда роса сирин олдирап,
Уларининг кераги бўлмас халқ учун.

¹ Сайнб – вийбат қилиб.

² Ховва – «ха» маъносида.

Хей, күнглим, ўйланиб ҳаққа сабр эт,
Душманингга қўлдан келса жабр эт,
Қўлдан келса, ичларина тўлдир дард,
Фойданг тегар шунда сенинг халқ учун.

Хей, яратган, муродимга етказинг,
Қийинқдан омон, соғ бизни ўтказинг,
Ё бўлмаса қиёматни еткаринг,
Бор кучими сарф этарман халқ учун.

Яхши йигитларниг феъли тор бўлмас,
Ор бўлару ёмон ишлар кор бўлмас,
Беодоблик ишлаш ёдда бор бўлмас,
Шундан кўнглинг тўлар ҳар вақт халқ учун.

Бердимурод, рост айт, сўзлама ёлғон,
Бу дунё узоқ йўл, отангдан қолғон,
Яхши юрар бу замонда ақл олғон,
Яхшилар чин хизмат этар халқ учун.

Одам айтар одамга хос сўзларин,
Маълум этмас иотўғрига изларин,
Кўрди шундайларни манов кўзларим,
Ҳар бир ишининг менга бугун ёд учун.

Ақллилар билар сўзларниг фарқин,
Ундаи йигит асло хор қилмас халқин,
Билгай ақл билан олис ва яқин,
Шундай инсон ишлар доим халқ учун.

Ўйлансан, сўз келар изма-из ўзи,
Ўзи эмас, тузатар одамининг тези,
Йўқолмас яхшининг ҳар айтган сўзи,
Шод бўлади кўнглим ҳар вақт шул учун.

Ҳак ишин ёд этиб бул Бердимурод,
Тавсиф этиб, оз эмасдур ёзди хат.
Айтдим бир неча сўз айлаб насиҳат,
Унииг фарқин англагайлар халқ учун.

Шоир эдим кўзим кўрганин ёздим,
Кўнглимнинг билганин, сезганин ёздим,
Замон қисматидан сарғайдим, оздим,
Бўларми деб ёруғ кунлар халқ учун.

Сийлайман ўлгунча фариб онамни,
Қўлдан келса буздирмайман хонамни,
Ҳурматлайман ардоқлаган паномни,
Бор хизматим паноҳ – улуғ халқ учун.

Яхшини фаҳм айла сўзлаган сўздан,
Яхши-ёмон фарқ айламас раиг, юздан,
Ишқ сирини айириб бўлмас кўздан,
Шуни синаш фойда улуғ халқ учун.

Фарибга бергайлар узок йил умр,
Умр шод бўлмаса, бўларлар кўмир,
Сўзларим марварид айтилган ҳар бир,
Ёздим сўзни ўзим учун, халқ учун.

Отим Бердимурод, мени ҳақнинг қули,
Сахрода сайраган зорли булбули,
Ўни гулидан очилмади бир гули,
Муродига етолмади халқ учун.

Лердақ ҳазратларининг ушбу шеъри ўзбек тилида чон этилган энг кейинги нашрлардан бири («Ўзбекистон» наприёти, 1998 йил)да 120 сатр тарзида берилиган. Биз бераётган матн 212 сатрдан ибојат.

ДАРКОР

Бу дунёга чиқиб сафо сурмасанг,
Ота-она дийдорини қўрмасанг,
Шодмои яйраб-яшиаб, баҳти юрмасанг,
Кора ер остига тушмогинг даркор.

Курашиб, беллашиб душман йиқмасанг,
Кора ерга қозик қилиб қоқмасанг,
Эркни жойга, озодликка чиқмасанг,
Кора ер остига тушмогинг даркор.

Аблатдин, Нурагдин, сизлар ҳам бизлар,
Кўрди аломатни чексиз бу кўзлар,
Кўп чўзилмас қииш кетару ёз келар,
Тезланимаса тездан юрмогинг даркор.

Биздан аввал ича одам ўтгандур,
Йиглай-йиглай армон билан кетгандур,
Бир иччанинг паймонаси битгандур,
Етмаса дунёда ўлмогинг даркор.

Бу дунё қисмати қанча хўр айлар,
Золимларнинг ахволини зўр айлар,
Мўминиларга қурган узмас тўр айлар,
Бўлмаса ёв билан курашимоқ даркор.

Эр йигитга иномус керак, ор керак,
Танасига қувват севар ёр керак,
Шуларнинг барига бир раҳбар керак,
Унинг фарқини билиб, интилмоқ даркор.

Шоир Ўтеш айтди ҳақнинг сўзини,
Камтар тутиб таъриф айлар ўзини,
Халқи учун тамом сўзнинг изини,
Шоир бўлиб халқа чин айтмоқ даркор.

**ГУЛМУРОД шоир
(XIX аср)**

ҚАЙГА БОРАРМАН

1 олаларга таом йўқдир берарга,
1 ир одам йўқ бу ҳолимни кўрарга,
1 ўл, сўқмоқ тоғмадим энди юрарга,
1 йлан, кўнглим: қайга кетиб борарман?

Севалар, сўрасанг кўнглимда армон,
Счликдан кетмоқда тиззадан дармон,
1 олаларга беринига йўқ бурда ион,
1 у юринида қайга кетиб борарман.

1 у кезиши мендекни зор-гирён этди,
1 йрилиқ қисмати жонимдан ўтди,
1 енгизга тўр солсам сол билан кетди,
1 нга сафар айлаб кетиб борарман?

1 ачон мени кўрарман яхши даврни,
1 икарайин айтиб ичдан ҳовурни,
1 ир неча куни сола билмай сабрни,
1 қайгу чекиб, йиғлаб кетиб борарман.

Севалар, уичалик ёт кўрманг мени,
1 ктирарми энди бошқалар сени,
Соф бўлса, улларим, отангнинг тани,
1 кўркмангизлар, кўлга кетиб борарман.

1 у дардлардан фақат куйиб, ёнаман,
1 афлатдаман, ҳориб-чарчаб, толаман,
1 у тахлитда ичга кўп дард соламан,
1 энди йиғлаб, элга кетиб борарман.

1 ўлимда эшкагим таяич қилмоққа,
1 ўлда балиқ бўлса сузив олмоққа,
1 ораяпман танҳо тўрни солмоққа,
1 ўл бўйлаб хайронда кетиб борарман.

Кўлнинг бўйи қамиш билан уруедир,
Ёзнинг куни элнинг юзи сариедир,
Оч уйимиз кўрмас ҳатто тарифни,
Кўлга сафар айлаб кетиб борарман.

«Очнинг ови юрмас» деган нақл бор,
Каттадан, кичикдан шундай ақл бор,
Кирга уруг сепсак дуркун хосил бор,
Кўлда ер йўқ, шундан кетиб борарман.

Кўлга келиб тўрии ёйдим аzonда,
Сероб чоғи чавоқ билан сазан-да,
Эрта қайнарсан деб қора қозонда,
Ичимдан қувониб кетиб борарман.

Аллоҳ, бизга мўл балиқни бергайсан,
Хизр Илёс, жиловимда юргайсан,
Бу тилагим ижросида тургайсан,
Азонги овимга кетиб борарман.

Бордиму ушладим тўрнинг қулогин,
Ушлаган чоғ келиб турди йиғлагим,
Нариги ёнидан жим тортган чоғим,
Балиқнинг измида кетиб борарман.

Қувониб ўлжани солимга солдим,
Бир чавоқ, бир чўртсан, бир сазан олдим,
Шундайин ўйимга йўл солган бўлдим,
Энди уйга мамнун кетиб борарман.

Бир пайт шарқ тарафдан қўзғолди довул,
Гумонда қолдими кўрмогим овул,
Довулнинг кетидан ёғди-ку ёғин,
Энди бу тўфонда кетиб борарман.

Қамишнинг бошини довул қайириб,
Буламиқдек ийлаб, хушдан айириб,
Еру осмон тўлиб, олам ҳайқириб,
Адоқсиз армонда кетиб борарман.

Мен ҳайрон бўлмайин дўстлар нетайин,
Бу денгизда мен қаерга кетайин,
Кўринар соҳилга тезроқ етайнин,
Каршимдан шамолда кетиб борарман.

Мен ўларман ёки чиқиб кетарман,
Ллончида ўтрик айтиб нетарман,
Бу дунёда энди афғон этарман,
Тўлқин етагида кетиб борарман.

Ўлагин, Гулмурод, чиқарсан қирга,
Шўрликсан, учрадинг ўзингдан зўрга,
Худойим туширди бизларни тўрга,
Армон билан олга кетиб борарман.

Тўлқин уриб бутун танам увишди,
Ачиқ сувга бадан обдон тиришди,
Кўрмадим дунёда бундай қуришни,
Бри кам дунёда кетиб борарман.

Худойим довулни бергай тиндириб,
Манов об-ҳавонинг раъйин синдириб,
Ўтирибман денгиз ичра сўлдириб,
Гулларим хазонда кетиб борарман.

Хизон урди, гулим соб бўлибди менинг,
Атган ҳар сўзим лоф бўлибди менинг,
Свда ҳолим хароб бўлибди менинг,
Емоқлик гумонда кетиб бораман.

Энди қачон уйларимни күрарман,
Отамга, онамга салом берарман,
Беролмасам, армон билан ўларман,
Юрагим гирёнда кетиб борарман.

Худойим, бергайсан давлат, боғимни,
Хуш қиласман чиқсан вакти чоғимни,
Ошия этгил ўзинг менга халқимни,
Армонли дунёда кетиб борарман.

Кўл кўнирди, довул қаттиқ бўлмоқда,
Кўнглим қайғу, ғам, ҳасратга тўлмоқда,
Вактим етиб, тоза гулим сўлмоқда,
Кўзларим уммоңда кетиб борарман.

Йўрга чопсам, йўргам жонсиз суринди,
Бу дунёнинг таги вайрон кўринди,
Бошимга етишга дениз уринди,
Рост билан ёлонда кетиб борарман.

Фарзандларим келар, деб қараб йўлга,
Айланолмай мени хам турибман сўлга,
Ишларим юрмади ҳеч қачон ўнгга,
Дил тошиб тувёнда кетиб борарман.

Бу дунёнинг вафоси йўқ бизларга,
Кулоқ солинг, дўстлар, айтган сўзларга,
Чикарсин Яратгани бизни юзларга,
Умидда, армонда кетиб борарман.

*Аниқул МУҲАММАДХЎЖА ўғли
(1841–1936)*

КЕТАРМАН

Кияй десам кийимим йўқ,
Ётайин десам уйим йўқ,
Нон-ош бергувчи бийим йўқ,
Бу ердан қайга кетарман?

Ухламасанг қабоқ ёмон,
Емас бўлсанг томоқ ёмон,
Бу ерларда қолмоқ ёмон,
Энди қаерга кетарман?

Ботиб кетгувчи кўлим йўқ,
Бориб қўнгувчи ерим йўқ,
Шод кутиб турган элим йўқ,
Энди қаерга кетарман?

Булардан ортиқ ёзиқ йўқ,
Бола-чақамга озиқ йўқ,
Осилем ёлғиз қозиқ йўқ,
Бу ердан қайга кетарман?

Бу ердан мағрибга кетсам,
Ёки машриқка йўл тутсам,
Яқинига тезроқ етсам,
Энди қаерга кетарман?

Машриқ менига не беради,
Мағриб менига не беради,
Кўз ёшимни ким кўради,
Бу ердан қайга кетарман?

Аллоҳга дод, фарёд этсам,
Ох уриб Хивага кетсам,
Қийналмай дунёдан ўтсам,
Бу ердан қайга кетарман?

Юрарга сўқмоқ топмадик,
Балки эгамга ёқмадик,
Ҳамиша «оҳ-воҳ» сақладик,
Бу ердан қайга кетарман?

Кулмурод ҚУРБОНАЛИ ўғли
(1845–1926)

ДЕМИШЛАР

Асли қорақалпоқ эли шўх бўлар,
Ер, мулки айланиб, сув асвак бўлар,
Замон ўнг айланса, кўплар бек бўлар,
Урар ҳар далага арқон демишлар.

Бул вақтда бўлмайди ҳалол тоифлар,
Молин ўғирлатса есир-заифлар,
Ундириб беролмас ҳоким, ноиблар,
Юрар ўғри, каззоб дархон деминилар.

Ватанинг қадрини асли қул билмас,
Отанинг қадрини ёмон ул билмас,
Яхшининг қадрини ҳаргиз эл билмас,
Элининг ҳар дардига дармон демишлар.

Яхши одамлар бор раҳмат дарёси,
Бори юртга тушар унинг сояси,
Ёмоннинг бир пулга қиммат баҳоси,
Асли одам, ўзи ҳайвон демишлар.

НЕ ФОЙДА?

Осмонда асл күп, ҳисоби сондин,
Үлмай кимса қолмас бул тирик жондин,
Ҳеч фойдаси бүлмас юздаги холдин,
Алифи йүк, оқ қоғоздин не фойда?

Юзлари гул қаби ва қаламқошдин,
Ҳеч вақо бүлмаса ақлдин, хушдин,
Күксига тақилган тилло, кумушдин,
Бошда жига, юзда холдин не фойда?

*Сейфулгабит МАЖИДОВ
(1869–1938)*

ЕРНИ ҲАЙДА

Десанглар бүлмайлик номардга мухтој,
Ерни ҳайда, сени еринг түйдиар.
Бепарволик этиб мана, бүлдинг оч,
Ерни ҳайда, сени еринг түйдиар.

Дунёда яшаган жонли жонивор,
Ердан унганидан тириклик қиласар,
Таом, кийим, бари шу ердан унар,
Ерни ҳайда, сени еринг түйдиар.

Ер бир хазинадур олсанг тугамас,
Олгаи билан ул хазина оз бүлмас,
Жонли, жонсиз барча ерсиз туролмас,
Ерни ҳайда, сени еринг түйдиар.

Олтин, кумуш билан темир ҳам мислар,
Асли ердан бүлар барча турмушлар,
Ердан түяр күкда қанотли күшлар,
Ерни ҳайда, сени еринг түйдиар.

Отанг, онанг қандай бүлсә мададкор,
Ерии ҳам шундоқ бил, у сени асрар,
Асл она ер деб билмөнг даркор,
Ерии хайда, сени ериниг түйдирар.

Ериигни хурматла, сила ва сийна,
Ардоқласаң сургин кенг завқу сафо,
У асрагач, сен ҳам айлагил вафо,
Ерии хайда, сени ериниг түйдирар.

Ер түйдирар, лекин битта шарт қўяр,
У шартга кўнганинг томони тўяр,
Очлик, яланғочлик барчасин йўяр,
Ерии хайда, сени ериниг түйдирар.

Кун чанқатса, мени тез-тез сувор, дер,
Катқалогим юмшат, омочинг сур, дер,
Кучим қайтса, қайта қувватлантири, дер,
Ерии хайда, сени ериниг түйдирар.

Бу ўғитни тинглаб, хормай меҳнат қил,
Мевалаб боғларинг яшнатсан ҳар гул,
Бўлур хеч гумонисиз муродинг ҳосил,
Ерии хайда, сени ериниг түйдирар.

Хусусан паҳтани ёдингда сақла,
Эртадан қимиirlаб, далангни бонла,
Барвақт эксанг, у етказгай муродга,
Ерии хайда, сени ериниг түйдирар.

Биламиз, деҳқонлар, меҳнатларинг кўп,
Мақсадинг ҳам баланд, захматларинг кўп,
Сен экин экмасанг, эл қийналар хўб,
Ерии хайда, сени ериниг түйдирар.

Ишим ҳам мәхнатим оз бүлсін десаңг,
Юмушлар тартибли, соз бүлсін десаңг,
Үтмошиң ол, қишим ёз бүлсін десаңг,
Ерни ҳайда, сени ериңг түйдірар.

Оғир хизматтіңгінің барин ўт қилар,
Трактор ер ҳайдаб, ўтмашиң ўрап,
Күп әкіп олишга фурсаттің бүлар,
Ерни ҳайда, сени ериңг түйдірар.

Замон билганичи, билиб иш қылгай,
Машинга ишилатиб, ўзи бүлди бой,
Билғанларға безак турмуңда чирой,
Ерни ҳайда, сени ериңг түйдірар.

Не сабабдан корақалпоқ оч қолди?
Ер иши камайгач, шу күйга солди,
Ер ардоқлаган әлніңг ғазнаси тұлды,
Ерни ҳайда, сени ериңг түйдірар.

Замон айланмаса, сен унга бүл соз,
Үтгандардан нақл қымадым бироз,
Адабдан сүңг келар барибир овоз:
Ерни ҳайда, сени ериңг түйдірар.

Аялберген МУСАЕВ
(1880–1936)

ТАЪРИФ

Нарәк, берәк бүлиб икки ён бүлган,
Бүлим-бүлим әллар корақалпоқда.
Шовқин солиб ўрдак учиб, воз қүнгап,
Ойдин-оидин күллар Коракалпоқда.

Чорвалари күчіб орол жойлаган,
Бия соғиб, катор құлун бойлаган,
Құлон-күйиклари сакраб үйнаган,
Қия-қия чүллар Коракалпоқда.

Беклари бор тоғдан отин сакратган,
Балли-балли йигитни йүлдош этган,
От чопиб, қүш солиб, този югуртган,
Улув-улуг беклар Қорақалпоқда.

Донишманд, хүн сүзли, фахму идрокли,
Урушда бир үзи мингга даракли,
Гүрүғли ҳайбатли, Рустам юракли,
Балли-балли шерлар Қорақалпоқда.

Йигитлар эл кезар қизнинг қасдинда,
Гуллари очилған баҳор фаслинида,
Олмақұз, арабий отлар остинда,
Мард вағынан¹ йигитлар Қорақалпоқда.

Қизлари бор қиё-қиё қошлари,
Әгинин ёнар үрим-үрим соchlари,
Сочбогинда гавҳар асл тошлари,
Хур, паризод қизлар Қорақалпоқда.

Бир қилдан нозикдур хипча беллари,
Бүғин-бүғин тор хиноли қўллари,
Шакардан мазали ширин тиллари,
Сулув-сулуv қизлар Қорақалпоқда.

Доғли маржон – ақиқ не асл зотлар,
Шогирдлар устоздан олиб иршодлар,
Нортя, энг асл, дол бедов отлар,
Суворий бирсүзлар Қорақалпоқда.

Саҳрода сайл этиб йифин бошлагап,
Қарчигай, сор бургут, лочин түшлаган,
Оқ, қорабош, сўна, суйлин¹ ушлаган,
Күш солған халфалар Қорақалпоқда.

¹ Суйлин – кирғузул.

Маърака-мажлисда, айтим-тўйинда,
От чопиб, совриши кўқиар ўйинда,
Соврии-совға олган катта йиғинда,
Балли чавандозлар Қорақалпоқда.

Ғариф айтар ўтди неча жаҳонгир,
Ҳар ким элии ёмон демас, яхши дер,
Мир Алишер, Жийренишега тақаббул,
Атоқли шоирлар Қорақалпоқда.

ҚАЙДА

Ҳўнглим айтар, юрт сўрасам, бий бўлсан,
Менга ундан бўйсунгувчи эл қайда?
Ҳорун каби юртдан ўзган бой бўлсан,
(Олтин, кумуш, дунё билан мол қайда?)

Ортдан ўзган шоир бўлсан мен ўзим,
Минг-мингдан келтирсан ҳар оғиз сўзим.
(Айр этсан жаҳонни, дунёнинг юзин,
Ҳўнглим тилар, борадиган ҳол қайда?)

Ҳушдек қанот қоқиб, осмонга учсан,
Ер юзига тушиб, гўзаллар қучсан,
Иёлада чой ўрнига бол иссан,
Хув топилмас, энди бизга бол қайда?

Ҳлмас умр бериб сурсам давронни,
Ҳўнгил ҳеч билмасдан зарра армоини,
Ҳирмизи тўн кийиб, сурсам йўргани,
Ҳхир бир кун чиқмайдиган жон қайда?

Ҳайгули қафасда куним кечган сўнг,
Ҳазон уриб гулим сўлиб ўчган сўнг,
Соқолинг оқариб, тишинг тушган сўнг,
Ҳиги павжувондек қадди дол қайда?

Дўстларинг кўни бўлар давлатинг ошса,
Ёмонинг яшириб, яхшингни ёйса,
Бир куни давлатинг бошингдан тойса,
Кўл учин бергудек жонажон қайда?

Ёмон шулдир йўлини топиб юрмаса,
Меҳмон кутиб кишинга ион бермаса,
Сўз сўйласа, ишининг фарқин билмаса,
Бундай ёмон нодонларга сон қайда?

Йигит от кўтармас меҳмон сийламай,
Сўз сўйлами, ишининг фарқин ўйламай,
Манглайдан тер тўкиб жонинг қийнамай,
Мехнат чекмай топилувчи ион қайда?

Ақл керак сўз маъносин билмакка,
Рахбар керак турли йўлдан юрмакка,
Бой, қашноқни бир кўз билан кўрмакка,
Фарид айттар адолатли хон қайда?

*Аббоз ДОБИЛОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпогистон
халқ шоири (1898–1970)*

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Озод бўлиб жон савдоси бозордан,
Халос бўлиб аввал кўрган озордан,
Истиқбол бошлиган катта гузардан,
Бахтимга йўл берган Қорақалпогистон.

Амунинг оёғи Орол денизим,
Таниб уруғ солган ерининг семизин,
Бўз ерларининг саховатли эгизин,
Ҳосил олиб кўрган Қорақалпогистон.

Кийик-кулон юрмас чўлистоnlарнинг,
Суз етказиб бўлган гулистоnlарнинг,
Шарин эмиши бор боғ-бўстоnlарнинг,
Меваларин терган Қорақалиоғистон.

Би имга бой этиб барча боламни,
Су іиб турибман мени Ватан – Онамни,
Зи йнат бериб Нукус деган қалъамни,
Ха ў кун гуллантирган Қорақалиоғистон.

НОМАРД ЙИГИТ НЕГА ДАРКОР?

Халқ учун белин бувмаса¹,
Йигитда номус бўлмаса,
Ватан учун туғилмаса,
Ундан йигит нега даркор?

Халқни кўзга илмаган,
Уят-номусни билмаган,
Ватан учун жон бермаган,
Қўрқоқ йигит нега даркор?

Ўзига ёмон от тақиб,
Кочиб юрган бопин боқиб,
Ўз юзига қуя ёкиб²,
Юрган йигит нега даркор?

Бута тагига бекинган,
Хеч нарса кўрмай йиқилган,
Бош тортиб ортга чекинган,
Ялқов йигит нега даркор?

Олмосдан қайтган пўлатдай,
Чангли оёқ, ёмон отдай,
Ёруғдаги ёрканотдай,
Бўлган йигит нега даркор?

¹ Бувмаса – боғламаса.

² Ёкиб – суркаб.

Душманига ўқ отмаган,
Халқ учуң жон қийнамаган,
Хеч жойга боши сиғмаган,
Тайғоқ йигит нега даркор?

Ватан учуң ўйланмаган,
Халқи учуң қийналмаган,
Яроқ олиб сайланмаган,
Номард йигит нега даркор?

Кулочлаб түқмоқ ургаидай,
Душманинг бўйин юлгандаи,
Қайтмай товоңда тургандай,
Мард йигитлар бизга даркор.

1943 йил

**Содик НУРУМБЕТОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпогистон
халқ шоури (1900–1972)**

АМУДАРЁ

Хазина бўйнида қалип тўқайзор,
Сулув чиройингга ҳамма харидор.
Мавжлар уриб оққан ширин сувинг бор,
Юртнинг ерин обод этган дарёсан.

Кўк жиякли ойдин-оидин қўлларинг,
Чамангага айланган сувсиз ерларинг,
Барқ урган бўйингда гўзал элларим,
Улусими тўқ, шод этган дарёсан.

«Оқ олтин»лар унган ширин сувингдан,
Кўк ҳам лаззат олиб турган був¹ингдан,
Халқим фойдаланиб ғоз, оққувингдан,
Юз хил емиш бунёд этган дарёсан.

¹ Був – був.

Гүлқинларинг тоғдан қайтмас қувватли,
Сарық сазапларинг бордур қимматли,
Кўпикларинг ёдек, сувингиз тотли,
Ичганиларни шаддод этган дарёсан.

Сувингдан гулланган овул даласи,
Ичгана мазали роҳат давоси,
Ҳалқимга файз берган салқин ҳавоси,
Одам зеҳнин савод этган дарёсан.

Боғу бўстон бўлди қизил қиёлар,
Іazzат олиб ўсган турли гиёлар,
Гарихингни ёзар олтин сиёлар,
Сувингни зар давот¹ этган дарёсан.

Инжу маржонлар бор ойдинларингда,
Асл тупроқлар бор қайир²ларингда,
Дилларнинг кучи бор тўлқинларингда,
Бир жойда турмаган асов дарёсан.

Ҷеч вақтда сувингиз оқмас ётсираб,
Чавж уриб сапчийсан осмоинга қараб,
Чехр тортган мисол гирдоб ярқираб,
Алай гузарингдан қочган дарёсан.

Тўлқин бўлиб оқар сувингиз тошиб,
Нидоблари ўйнар төгларни босиб,
Сёғингиз қуяр денгизга қочиб,
Лоҳида беўлчов тошган дарёсан.

Гарихингда «Жайхун» деган отинг бор,
Гойликининг конисан, турли зотинг бор,
Гўйингда гуллаган кўп элатинг бор,
Ҳалқларимга хизмат этган дарёсан.

1948 йил

¹ Дағот – сиёҳдон.

² Қайир – дарё ўргасида қолган оролча.

МЕХНАТ ҚҰШИФИ

Инсон құли гул деган, нақл сүз бор халқымда,
Ишнинг күзин бил деган оқыл сүз бор халқымда,
Әлга хизмат қыл деган маңықул сүз бор халқымда,
Мехнат билан иур деган олтии сүз бор халқымда,
Түкқаи әлга иш қилинг, яшнатарап мекнат сени.

Онаң берган оқ тузни оқлаш учун ғайрат сол,
Гул Ватан манфаатин ёқлаш учун ғайрат сол,
Улушингни мұлпроқдан түплаш учун ғайрат сол,
Халқ ишиңа күч қилинг, қувиятар мекнат сени.

Күзлагай максадларга етсам десанг, ҳорманғиз,
Гуллантрииб юмушни этсам десанг, ҳорманғиз,
Дүстликниң синовидан ўтсам десанг, ҳорманғиз,
Вазифанғни ҳар куни битсин десанг, ҳорманғиз,
Жавлон уриб иш қилинг, кеңг этар мекнат сени.

Ватанға иш қилишдан ортиғироқ хизмат йўқ,
Тукқаи ерни суйишдан баҳолироқ иззат йўқ,
Ундан ортиқ дунёда юқорироқ ҳурмат йўқ,
Бизнинг шодли замонда зое кетар мекнат йўқ,
Мекнат – баҳту ризқингдир, тўйлатар мекнат сени.

*Мирзагалий ДАРИБОЕВ
(1909–1942)*

КҮККҮЛ

Бир күл кўрдим Озарбайжон еринда,
Турдим унинг шиншадай кўк четинда,
Кўрган кўлим, кўркам кўлим, Кўккўлим,
Унутмасман кетганда ҳам ўлимга.

Ўркач-ўркач айланға тоғ ёқаси,
Кулфи очик инак янроқ ёғочи,

Тоги, тоши, дарахт, булут қош кирик,
Маржон суви мисол қўзниң қораси.

Ери гўё гулдор гилам ёйгандай,
Қизил гулни қизлар экиб қўйгандай.
Курорт бўлса агар «Кўккўл» исемли
Болдек суви дардга даво бўлгандай.

Кўз ёшиндаи маржон суви ялтираб,
Кўк шишадек кўзга тушар яркираб.
Шамол эssa тўлқин ураг мавжланиб,
Титроқ билан чайқалади қалтираб.

Бейик тоги кўлин чўзар осмонга,
Булатни бағрига ушлаб босгандা,
Яиада бир хушвақт айлаб куч берар,
Қайноқ юрак, қувончли ёш жонга.

Барча ер ҳам уидай сулув бўлмайди,
Энг сулувни юрак ва кўз танлайди.
Ақлу ўйим, ёш юрагим танлаган
Хеч қачон бу Кўккўл эсдан қолмайди.

Жон йўлдошим Дали¹ билан борганим,
Кўккўл сувин ичиб обдон қонганим.
Эсдан чиқмай бир умрга колсин деб,
Бу шеъримни эсадликка ёзганим.

8.09.1935, Озарбайжон

¹ Дали – шоир дўсти Дали Назбергенов.

**Избосар ФОЗИЛОВ
(1909–1961)**

САНАМЖОН СИНГЛИМ

Кун туман, тун туман, кўз олдинг гунгурт,
Эрк бўлмасдан ўзинг кўрдинг кўп азобу дард,
«Киз бўлса – мол бўлди сотишга» деб юрт,
Жонивордек юрдинг, Санамжон синглим.

Кирқ бўлак қайғунгдир, эллик бўлак ор,
Тенгингни севолмай бўлдинг интизор,
Ота-онанг деди: «Мол олдиқми, бор!»,
Сотиб еди сени, Санамжон синглим.

Никоҳ тушди соғ бошигнинг савдоси,
Тутқундаги қулга айландинг рости,
Йигладинг тенгликни сўраб, хулласи,
Бил аввалги ҳолни, Санамжон синглим.

Энди ёришмоқда зулматли тунииг,
Булбулдай сайради бойлоғли тилинг,
Яхшилик баҳоси бу озод кунинг,
Хурликка эришдинг, Санамжон синглим.

Кулган кунинг, чўғдек юлдуз, ой шуъла,
Осмон очиқ, сулув – ҳойнаҳой шуъла,
Тилсизга тил, гулсизга гул чирой шуъла,
Барча шуъла сенда, Санамжон синглим.

Иҳтиёринг бордур олға бормоққа,
Илм, хунар, касбни билиб олмоққа,
Боғда пишган мева бўлиб толмоққа,
Эркинг қўлингдадир, Санамжон синглим.

Жилим ол қаторда әл билан бирга,
Жирлашиб, қүшилиб сузайлик ўрға,
Жирлашиб етايлик фараҳли ерга,
Лугун мендан сенга салом, жон синглим.

1928 йил

ЧИМЁН

Үркачланган бейик-бейик тоғлари,
Тоғ устидан кетмас ёзда қорлари,
Қайнаб оққан булогининг сувлари,
Бейик тоғли ерлари бор Чимённинг.

Тонг чоги кун қарап тоғдаи мўралаб,
Длтин шуъла билан ер бетин ўраб,
Кун қизса қор эриб, биқирлаб булоқ,
Ўлиб оққан сувлари бор Чимённинг.

Бринда ўсгандир турли мевалар,
Олча, ёнгоқ билан жайдар олмалар,
Оралаб сайр этсанг меҳринг чин қонар,
Мишига бой ерлари бор Чимённинг.

Бахор, ёзда ери кўк барқут кийган,
Қулф уриб кўзларга кўп иссиқ тийган,
Тоғдан эсган шамол юзидан суйган,
Ўнгир салқин ҳавоси бор Чимённинг.

Жече минг захматкаш соғ ҳаво олган,
Хасталик ортга қайтиб, даво олган,
Меҳнат ахли учун курорт жой бўлган,
Хордикқа кулайдир ери Чимённинг.

1932 йил, Чимён

¹ Ў – оқимга қарни.

**Жўлмирза ОЙМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпогистон
халқ ёзувчиси (1910–1996)**

БЕРДАҚ ҲАЙКАЛИГА

Шоир бобо, ўйчи, доно, мард фарзанд,
Туғишган халқ сен деб жам бўлди бу он.
Бугун ижобатдир сен айтган ҳар банд,
Барча кардои элдан келмоқда меҳмон.

Орзу-армон этдинг, дўстлар изладинг,
Тун чоги юракдан ёқиб шамчироқ.
Бугун олтин бўлиб босган изларинг,
Тўйинингга таъзимда келди кўп уриоқ.

Сен улуғ шоирсан, қайта туғилган,
Ўлтирибсан олтин даврон тўринда.
Барча азиз халқлар бўлиб туғишган
Сени суйиб ўқир она тилинда.

Қадримни халқ билиб олар, дер эдинг,
Донолигинг хеч қолмади эскириб.
Мангу сақлар мақсадингни юрақда
Ўз қўли-ла халқинг ҳайкалинг қуриб.

ҒАФУР ФУЛОМГА

Ўзбек тупроғига босилган изинг
Кузларимга сурма бўлди, оғажон.
Халқнинг баҳти дея айтилган сўзинг
Тошқин булоқ бўлиб тўлди, оғажон.

Биз билан биргасан элимда ўзинг,
Сайронлаб юрибсан еримда ўзинг.
Қадрли меҳмоилар тўйимга келса,
Ўтирибсан ўтов тўринда ўзинг.

Қадрдон шоирим — устозим, оғам,
Үмрниң булоги тугамас бир дам.
Қисса, күшиқларинг, суюкли отинг
Миннатдор қалбларда сақланар мудом.

Үзбек тупроғига боссан ҳар изинг,
Мевали боғимиз бўлмоқда бизнинг.
Бирча дўст, туғишган элга тарапди
Хилқингнинг кўнглидан жой олган сўзинг.

ТОШКЕНТ ҚИЗЛАРИ

Қалам қошлиқ, қора кўзлик,
Бодомқовок, ширин сўзлик,
Жилва нозлик, ойдек юзлик,
Достон-а Тошкент қизлари.

Кулф уриб очилган гулдайни,
Хушовозли булбулдайин,
Акли доно, ўткир зеҳи,
Дурдона Тошкент қизлари.

Билим буловига қонган,
Кўнгли очиқ ҳам меҳрибон,
Дунёда йўқ ундај жонон,
Мардона Тошкент қизлари.

Гул-гул очган лоладайин,
Юлдуздаги шуъладайин,
Бири куним, бири ойим,
Достон-а Тошкент қизлари.

**Сафар ХҮЖАНИЁЗОВ
(1910–1983)**

СУЙМАГАНГА СУЙКАНМА

(Шу номдагы мусиқалы комедиядан құшиқлар)

Қиз Минойим, уйқунг қаттик,
Ёнбошингга калитинг ботди,
Келган ёринг совуқ қотди,
Уйғон энди, қиз Минойим!

Томингга чиқдим ётгани,
Шириң лабингдан тортгани,
Келдим ёрни уйғотгани,
Уйғон энди, қиз Минойим!

Олма отдим, ҳаволанди,
Қайтиб үзимга дўланди,
Ҳамманинг ёри уйғонди,
Уйғон энди, қиз Минойим!

Тонг сарғайиб отар бўлди,
Чўлпон юлдуз ботар бўлди,
Келган ёринг қайтар бўлди,
Уйғон энди, қиз Минойим!

* * *

Охим айтсам, жоним опа,
Очилимасдан сўлган гулман.
Ёш бошимга тушиб жафо,
Уни ўчган бир булбулман.

Тушди савдо бу бошимга,
Бой қарамас кўз ёшимга,
Кўшилмадим мунгдошимга,
Олов чиқар ғамли тилдан.

Кўнгил олтинга берилмас,
Унинг фарқин нодон билмас,
Тушдим қўлга асло кулмас,
Айро тушди ёрим мендан.

*Амет ШАМУРАТОВ
(1912–1953)*

ОШИҚ БЎЛДИМ

Ошиқ бўлдим бир жононга,
Коши қора, сочи сумбили.
Икки бети қизил олма,
Хеч ками йўқ очилган гул.

Нур сочилар кўзларидан,
Мехрим қонар сўзларидан,
Қадди-комат ўзларидан
Тўйиб бўлмас, бели толма.

Ақли бўйига ярашган,
Тоғлар билан куч талашган,
Хизматингда олға босган,
Сўйлагани шакар-болми?

Ватанимнинг боғ-боғчаси,
Ёрим унинг гул-гунчаси,
Мен унинг қуичи-созчиси,
Ошиқ бўлган бу жононга.

Кўтаринг, дўстлар, қадаҳни,
Ошиқлик – мангуд шод чорни,
Турмушга янги йўл оқди,
Олқишлилар айтиб замонга.

ТИЛ

Эй, дүстлар, айтинг-чи ҳаммада тил бор,
Тил деган билганга умрлик мадор.
Сүзлаб турган күнглингдаги борингни,
Сулувлар сулуви мафтукор дилбар.

Одамнинг бир кўрки бол ширии тили,
Мисоли сайраган боғнинг булбули.
Жонига жон бериб зеҳнини очар,
Баҳорда очилган чаманлар гули.

Йигит дур сочади тилинда бўлса,
Арслон қуввати белинда бўлса.
Заковати билан чин истеъоди,
Соз билан сухбатли тилинда бўлса.

«Асл – тоңда, ақл – ёшида!» деган бор,
Акл керак азал боидан ўйланар.
Олтин, гавҳар, маржон, дурининг барчаси
Билсангиз, дўстларим, тилингда бўлар.

*Дали НАЗБЕРГЕНОВ,
(1913–1942)*

ШЕЪРИМ

Жонга жон, юракка ёлқин киргизиб,
Ортдир ўқиганинг кучини, шеърим.
Титратиб танамни, томир юргизиб,
Кўрсат пешқадамининг ишини, шеърим.

Жонсизга жон бериб, киргизиб сезим,
Ишга отлаитирсиз ҳар жумла, сўзим,
Чиройин жалб этиб, кўрганинг кўзин,
Хайратларга солсин шаклинг, шеърим!

ПУШКИН

Киң билмайди сенинг улуғ отингни,
Киңлар ўқимаган ёзган хатингни.
Қиңлукмада – Амударё бўйинда
Қоқақлиноқ – у ҳам билди байтингни.

Ўй амай сира ўз маңфаатингни,
Хақнинг учун сарфлаб бор журъатингни,
Душманнингга қарши бўлиб доимо,
Шеъринг билан айтдинг ўткир ганингни.

Шеър эдинг сўз аслини сайлаган,
По шох, бийга қарши тишни қайраган,
Кўччиликнинг фикри билан сўз айтиб,
Хақи дея озодликни ўйлаган.

Сен ошиғи эдинг янги умранинг,
Ташнигандинг уриб ташна кўнгилинг,
Биң оқ шунда қора юрак золимлар,
Эр бермади деганига ўйнингни.

По шох сўраб ўтирганда элингни,
Кўяссанг ҳам ёзолмадинг белингни.
Сенга қарши шумлик ўйлаб ёвузлар,
Лонг тонди охиринда ўлимни.

Сен – донишманд, суйган ўғил элингта,
Ақ билан ўй тўплаган дилингга,
Сенинг сўзиниг юрагида халқингнинг,
Ёд. аб олган барча шеъринг тилига.

Киң унутар, Пушкин, сенинг отингни,
Киң ўқимас асл, олтин хатингни!
Қоқақлиноқ ўвли – мен ҳам хотирлаб,
Ўз элимда ардоқлайман байтингни.

1937 йил

Наврұз ЖАЛАҚОВ
(1914—1975)

ҚОРА ДЕНГИЗ


Абхаз ери,
Тоғли, боғли,
Роҳати жонга ёққан.
Сүл ёнида —
Қора денгиз,
Тоғидан булоқ оққан.

Тоғ еринда,
Гул түрінда
Хордик учун келдім мен.
Туғишиңған ер
Пешвоз чиқар:
«Қайдан келдинг, — демас. — сен?»

Соҳилинда
Турсам қараб,
Қора денгиз гувлайды.
Мендан савол
Сұрарми ё,
Не учун тинч турмайды?

Бир түлкіини
Бири қувиб,
Жарға әлтиб уради.
Шу тахлит у
Үз тилинда
Сүзлашғандек бүлади.

Гоҳи гувлаб,
Гоҳи шувлаб,
Гоҳида күй чертгандек,
Баъзан хуштак
Чалиб қаттиқ,
Сирин баён этгандек.



Баъзан чалқиб,
Күпик қалқиб,
Жарга тикка уради.
Баъзан ортга
Ичин тортиб
Кучин йигиб туради.

Не демокчи,
Не сири бор,
Қандай хабар айтмоқчи?
Қандай сирдаи
Воқиғ айлаб
Үзи томон тортмоқчи?..

Ё айтарми
Кун Ботарда
Ер алант олганин.
Ё айтарми
Үша ўтда
Миллион одам қолганин.

Ё бўлмасам
Ишонтирас:
«Учқун тушмас – деб – менга,
Агар туписа
Сўндираман,
Йўл бермасдан, – деб – унга!»

Ё бўлмаса
Санчиб тўлқин
Кўрсатурми турмушни.
Биздек кучга
Тўлиб, тошиб,
Ишла дерми юмушни.

Манов бўйра,
Бейик тўлқин
Шоирчилик довими?
Чиқ, дейдими
Ушбу бейик
Ижоднинг тик товига...

Бир армоним –
Қора дениз,
Билолмадим тилингни.
Ёзганимдек
Бўлса ўйинг
Кўшидим мени ҳам унимни.

1940 йил, шуоль, Гагра

*Тлеуберген ЖУМАМУРАТОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпогистон
халқ шоюри (1915–1990)*

ҚОРАҚАЛПОҚ САЛОМИ

Ўмрови бор қорақалиоқ алп әлимнинг
Ёлқинли, соғ муҳаббатин олиб келдим.
Бобом факир туяларда кезгаи бўлса,
Мен осмоннинг оқ булутин ёриб келдим.

Тошкент деган шамчироқни кўриб келдим,
Юзимни мен Олмаотага буриб келдим,
Элга борган қозоқ олиб кетган эди,
Юрагимнинг изларидан юриб келдим.

Бейик чўкки, асқар тоғдан ўтдим ошиб,
Согинингга олис йўл хеч бўлмас қочик,
Еринг каби меҳри кенгдир жигарларим,
Суйишдик биз аэропортда қучоқланиб.

Ишда Ҳожимуқон мисол иловон қозоқ,
Курашларда ёв юрагин ёрган қозоқ.
Қўқчатовининг тепасида ўлан айтса,
Садолари Бойсунгача борган қозоқ.

Қўлинг кисиб қутлуқлашга ботир элини,
Ўз оғангидир – ўзбек чечани, оқин келди.
Ойбек, Ҳамид, Яшин, Собир, Зулфия бор,
Собитининг ҳазилкашиFaфур келди.

Юрт айтади ул Faфурни Навоий деб,
Ташкентлик шоирларнинг оғойи деб,
Мен ҳам айтдим Собитни, замонинда,
Биз яшаган даврнинг Абайи деб.

Умрда ҳар бир ёшнинг ўрни бошқа,
Қариялар шай ғақат бир пишган юшга.
Собитининг афт-ангори бўтака¹дай
Чиқди деб ишонмайсиз олтмини ёнга.

Хаёли Олатовдан ониб турган,
Журъати Сир сувидек тошиб турган.
Юракнинг тубиндаги гавҳар тошин
Булоқдек сапчишишга шошиб турган.

Ғабиден оғамизининг сўзи қаймок,
Қўниқди шарбатига овул-аймоқ.
Абдулла, Тоир, Ғали китоб ёзса,
Ўқиди қўзга сурин қорақалпок.

Қаламкаш бир ёш шоир Сирбой қурби²м,
Қўрганда қўнглиниг тўлар ёруғ туркии.
«Сирақанг» қаламини йўрғалатса,
Болалатар ўланининг ўттиз-қиркин.

Бўтака – буйрак.
Қурби – тенгдош, сафдош.

Кечир, дүстлар ҳазилим бүлса қаттиқ,
Тизгинсизроқ юборсам асов отни,
Хеч кучнинг совутмоққа холи келмас,
Юракнинг тубиндаги муҳаббатни.

Мактаниб қозоқ деган зўр отингга,
Таш бериб теран ақл, гайратингга,
корақалноқ саломин ол, топширдим,
Бахмалтус, Олатовли Олматиингга.

1962 йил, Олмаота

ТЕМИРТОВДА

Келган эдим соғиниб,
Юрак қолди сиғиниб.
Темиртов деган оти
Қўйилган зап топилиб.

Кўрган кўнгил тўймайди,
Кетгани кўз қиймайди.
Ёзай десам кўрганни,
Ўланимга сиғмайди.

1962 йил

ТЎРТЛИКЛАР

Мен онамдан ниҳол бўлиб кўкардим,
Ёшлигимда ғамдан бошиқа не кўрдим.
«Мехнат таги – роҳат» деган чин экан,
Бора-бора қаторимга тенг келдим.

* * *

Бирор олим дейди, бирор нодон деб,
Бирор яхни дейди, бирор ёмон деб.
Барчасидан энг юқори даража
Айтса бўлди соғ юракли инсон деб.

* * *

Үйнинг кўнгли тўлмас қўноқ тўймаса,
Холи етган бир қўй топиб сўймаса,
Конга сингган қорақалпоқ удуми,
Ўйлайверсин ким қандайин ўйласа.

* * *

Бўлса уйинг, ҳашам, кийим, томоғинг,
Мамиун бўлиб кетса келган қўноғинг.
Уйқунг бутун бўлиб, танинг соғ бўлса,
Шу – дунёда шодли умр, қарогим.

* * *

Янил мева тилинг билан экилмас,
Менинг асл дўстим бўлсанг, кўнгиллаш.
Айтмай кўрсат вафодорлик шаштингни,
Ҳеч бирор ҳам қуруқ сувга семирмас.

* * *

Кўзни тортар сулувларнинг жамоли,
Кайнаса ҳам муҳаббатнинг шамоли.
Оғам учун муҳаббатсиз умрнинг
Мархумликдан айрмаси чамали.

* * *

Карук хуси – факат юзни бўяди,
Бора-бора у ҳам тусин йўяди.
Чин гўзаллик ақл билан меҳнатда
Уаргина шуҳратингни ёяди.

* * *

Бирор ин исказди ичгач шаробни,
Судда кампир ҳайрон бўлиб қарабди:
– Жичча ичиб, оғзи топмай аданиди,
Кердингми? – деб келинидан сўрабди.

* * *

Бу дүнёning келса агар тинч тургуси,
Бир бурчидан қиз олишиб бир бурчи, –
Одам ўели болдек тотли яшаса,
Бехишт бўлиб кетар эди турмуш.

* * *

Эри бир сўкибди, хотин сасибди,
– Нақ муллага айтаман! – деб ошиқди.
Борса, мулла қалтаклармиш жуфтини,
Кирганидан ортга қараб қочибди.

* * *

Акли каму чала – деса, чаламан,
Ақлли, зўр, доно – деса, дономан.
Не деса хам ихтиёри ўзиңда,
Хайтовур мен халқим айтса инонаман.

Бойниёз ҚАЙИПНАЗАРОВ,
Қорақалпогистон ҳалқ шоири
(1916–2001)

ТОНГ ГУЛИ

Она ер кўксинда ўстган пайқалиб,
Гулга хумор юраклардан жой олиб,
Елпиб эстган шамол билан чайқалиб,
Туришинг бир дунё, гўзал тонг гули.

Табиат сени бу ерда яратиб,
Янроғингдан елга ифор таратиб,
Ишиқибоз кўзларни ўзга қаратиб,
Киё-киё боқиб қўзғал, тонг гули.

Тунда тушган шабнам қуёшда қуриб,
Оқ юзига куннинг нурин тўқдириб,

Ҳўркингга қизиқса қаддин буқтириб,
Ӣигит юрагига кўз сол, тоңг гули.

Ӣазаринг тушганда ойдай нурланиб,
Ҳовғонигни уя кўреа турланиб,
Ӯғри қарамасанг тоҳо урланиб*,
Ӣенга ҳам жилвали кўз сол, тоңг гули.

Сен безасанг ерга ажиб нақшлаб,
Сулф урганда сулувликни олқинилаб,
Чун бўйи ўтиреа – илҳом бағишлаб,
Ӣоирнинг тилига сўз сол, тоңг гули.

БАЛАНД ДАРАХТ

Нур сочгаи қуёшли ўзбек элинида,
Гулларга қизиқиб қўп қараб юрдим.
Жаниатдан зиёда боғли еринида,
Узуи бўйли, сулув бир дараҳт кўрдим.

✓ ёқ-бу ёвига чикиб қарайман,
✓л турибди бўйин чўзиб осмонга.
Қаддин сийнаб эсган елдан сўрайман,
Доя соларми деб кўнглини очганга.

Эрда яшаса ҳам назари кўкда,
Зи гўзал, япроқлари зарварақ.
Гонглар шуъла сениб ўсибди тикка,
Ҳомати келингтан бу баланд дараҳт.

Ҳўзнинг ўтии олиб, кам-кам етилиб,
Ӣихол чоғдан эрқаликни ташлабди.
Ҷоғбон тилини топиб парваришлагач,
Ӣовдасига мева бита бошлабди.

Умид этганларга сояси тушса,
Унга кўқдаги кун нурин солади.
Йил сайни шохалаб, кўрк билан ўсса,
Ундан ўсган ери безак олади.

Олисдан гул яшнаб кўзларга тушган
Ўзбекистон – бу бир мевали дараҳт.
Тинч заминда яниб, ҳам тинч ўсган,
Турибди халқларнинг кунига яраб.

Тин-тик сиймосига севиниб қараб,
Кўзга иссиқ кўркин ёқлаб юраман.
Бул баланд дараҳтнинг ҳолини сўраб,
Келбатин юракда сақлаб юраман.

*Хўжабек СЕИТОВ,
Қорақалпогистон ҳалқ ёзувчиси
(1917–2001)*

НЕ ФОЙДА

Юз яшаган билан менга не фойда,
Эсда қолар меҳнатларим бўлмаса.
Мен беармон бўлар эдим дунёда,
Ортда қолган умр гулим сўлмаса...

Ўтолмасам эл сини¹дан, элакдан,
Унда юрган эпкинманми, тилакман.
Сўз маънисин, ишнинг кўзин билмаган,
Ўй, идроким теран эмас, ғовакман.

Курашchan мардлардек умр сурмасам,
Ўзимни ўзим ҳам синаб юрмасам,
Ақлиман деганимдан не фойда бор,
Ишлар ишни олдин режа қилмасам.

¹ Сини – таҳлил, синов.

Не фойда яшашдан факат эш билан,
Үндиң тенгман қуриб қолган чүп билан,
Мен муносиб хизмат этсам халқимга,
Чуродимга етганим-ку күп билан.

ТҮРТЛИКЛАР

«Онанинг күнгли болада,
Боланинг күнгли далада».
Олибсотар одамнинг
Күнгли доим қалъада...

* * *

Биз болалар пок жонмиз,
Яхшилик учун туғилган.
Юрагини онасининг
Ошпоқ сутти билан ювган.

* * *

Гулнинг ҳам гули бор – сүйиб тергудек,
Болнинг ҳам боли бор – маза бергудек.
Шеърнинг ҳам шеъри бор – юракни қўзгаб,
Келаҳак авлодлар айтиб юргудек.

* * *

Ўй сайдиги мисли товуқ катакдек,
Бир синчи бор – сўзлари пуч – кепакдек.
Ёқтириғаган кишисига ташланар
Карвоғининг кетидан ҳурган кўшиакдек.

* * *

Шоирлар бор ўз холича бойтерак,
Бойтеракка тенг келади қай терак?
Бойтеракка менгзар зиёлиларнинг
Жамияда туттган ўрни ҳам бўлак.

* * *

Мард йигитни номус-ори ўлдирап,
Күзига чўп солса, ёри ўлдирап.
Сўзларидан юрак, жони ўзгача
Аёл эрга кетмас зиён келтирап.

* * *

Хакиқатни бўлиб юрма иккига,
Окибатда қолгайдурсан қулкига.
Халқ олдида обрўйинг ҳам тўкилиб,
Айланарсан қўйруғи йўқ тулкига.

**Тажетдин СЕЙТЖНОНОВ,
Қорақалпогистон ҳалқ шоури
(1924–1998)**

ОНА ЕР

Мен асли одамман. Ер менинг онам,
У менинг умримдир, у менинг жоним.
Унда яшаш учун одам бўлганман,
Орқалаб дунёнинг машақкатларин.

Она Ер бор бўлса, мен унда борман,
Она Ер яшиаса, яшиар иқболим.
Иқболим яшиаса, мен ҳам яшиарман,
Бошимга кўтариб гўзалликларин.

Она Ер бор бўлса, мен унда борман,
Она Ер даврони менинг давроним.
Она Ер чарх урса, мен чарх урарман,
Бошимга кўтариб баҳтим тоигларин.

Она Ер бор бўлса мен унда борман,
Она Ер қўёши – менинг қўёшим.
Она Ер йиғласа, мен ҳам йиғларман,
Она Ер кўз ёши менинг кўз ёшим.

Она Ер бор бўлса, мен унда борман,
У менинг тақдирим, у менинг онам.
Шу боис ҳар қандай ёвузликлардан
Она Ерии мағту омон сақларман!

1980, июль. Нукус

ДЎСТИМГА

Дўсим, сен қайси бир жойда бўлсанг ҳам,
Мағли, юлдуздами, Ойда бўлсанг ҳам,
Хуласи қайси вақт, қайда бўлсанг ҳам,
Сениг қайгуларинг менинг-да қайрум.

Бир ёв сени хафа қилганда билдири,
Зол м қисмат жафо қилганда билдири,
Шо, лигингни айттил, айтма, ўзинг бил,
Сениг қайгуларинг менинг-да қайрум.

Бошингга иш тушиб қолса гар, билдири,
Дар, билан юрагинг ёнса гар, билдири,
Сағр этсанг йўлда толсанг гар, билдири,
Сениг қайгуларинг менинг-да қайрум.

Танинга бир тикан кирганда билдири,
Бағрингин бевафо тилганда билдири,
Душнанинг устингдан кулганда билдири,
Сениг қайгуларинг менинг-да қайрум.

Қайн юки оғир бўлади, демак,
Бир ўдамга жабр бўлади, демак,
Тенг бўлишган тўғри бўлади, демак,
Сениг қайгуларинг менинг-да қайрум.

Қайенгни тенг бўлгни, баҳтингни бўлма,
Икбон, давлат, тоҷу таҳтингни бўлма,
Айтган сўзларимни хеч айб кўрма,
Сениг қайгуларинг менинг-да қайрум.

Дўстим, сен қайси бир жойда бўлсанг ҳам,
Майли, юлдузларда, Ойда бўлсанг ҳам,
Ким бўлиб, қайси вақт, қайда бўлсанг ҳам,
Бил, сенинг ҳар қайғунг менинг-да қайгум.

1979, Нукус

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпогистон
халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони
(1929–2008)

НАВОЙИГА

Сен армонсан чўлга битган боғ бўлиб,
Сояли, мевали бир дараҳт бўлиб,
Замонлар довули чайқаган сайин
Жамолинг кулф урган зарварақ бўлиб.
Етти иқлим гузарида бир гумбаз
Даврларининг оғатидан йироқ бўлиб—
Ул турар. Ўтар такаббур подшолар
Цунёга яхши-ёмои қўноқ бўлиб.
Гўзаллик иқлимин этдинг нурағишон,
Зулматда порлаган шамчироқ бўлиб.
Авлодлар ҳурматинг бажо келтирур,
Сени эслаб юрар вақтичоғ бўлиб.
Саҳро гулларини сочай пойингга,
Навоийни суйган қорақалпоқ бўлиб,
Ибройим дер: улуғ руҳинг олдида
Бони эгайин шогирдинг Бердақ бўлиб.

1968 йил, Тошкент

САҲРО БУЛБУЛИГА

Замон дардин достон этиб тилингда,
Халқингининг ор-номус, виждони бўлдинг.
Оёқдаги қорақалпоқ элинда
Шоирлик мулкининг сultonи бўлдинг.

Сен сахро булбули эдинг сайраган,
Боғ топмаган ерда бутага қўнган,
Жафокаш эл учун жон фидо қилган,
Дардли кўнгилларнинг дармони бўлдинг.

Элим деб, юртим деб ушбу әлатдан,
Бир шоир туғилса – сени яратган,
Халқнинг сўйлар тили бўп келаётган,
Чечаникинг олғир тарлони бўлдинг.

Хар сўзингда донолигинг танитдинг,
Мардлиги бор Олакўздай алпининг,
Кўнгли оқ, қалпоғи қора халқнинг,
Кўшиққа айланган армони бўлдинг.

Улуг Навоийдан савод очганинг,
Доно Фузулийдан дурлар сочганинг,
Устоз Махтумқули изин босганинг,
Буюклардан ибрат олгани бўлдинг.

Дунёга довруқли Ўзбекистонда,
Мустақиллик чечак отган бўstonда,
Боболарнинг руҳи йўғонган тоңда,
Эл ардоқлаб эсга олгани бўлдинг.

Айтган сўзларингни олтинга қоплаб,
Туғишганлар айтар: «Ассалом, Бердақ!»,
Маъракангни Президент қутлиқлаб,
Яиги авлодларнинг илҳоми бўлдинг.

1998 йил, декабрь

МЕНИНГ ЙИГИТ ВАҚТИМ, СЕНИНГ ҚИЗ ВАҚТИНГ...

Б...га

ТошДУ десам, дархол тушади эсга,
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг...
Тұғри самолётдан түшдім-да кечда
Ётөк жойингизининг энигии қоқдым.

Нұкусда юрган чөп сен мени қунда,
Хатто соат сайин соғинар әдинг.
Бу сафари құриб мени Тошкентда,
Салқын мийиқ тортиб «сенмисан», дединг.

Гулиандада очилған бир тоза гулдай,
Чиройнінгта чирой құштан әкансан.
Кувоничимни қай тарз айтишии билмай,
Ютениб, телмуриб қарайвердим ман...

Кетдик құлтиқлашиб құчани бүйлаб,
Үнисиз келаяпмиз. Эснаб қүясан.
«Жоним, айт-чи, келаясан не үйлаб?
Әртәнг учрашамиз қаерда, қачон?!»

«Әртәнг қўлим тегмас... Имтиҳоним бор.... »,
Дединг үйнаб йўғон бурамииг билан.
Навоий театри халқ билан қайнар,
Сен кирғандан яшиаб кетди у обдои.

Зар қўйлак кўз сочиб ёнар устингда,
Сен айтдинг «Лағв этгил, тобим йўқ», дединг.
Ва мармар зинадан эичил түшдинг-да
Кетдинг... Мен сен учун бегона эдим.

Сүнгі «Казбегим»ни тутатиб олиб,
Узоң тентирадим Аихор бүйіда.
Маж түнтол шохларни сувларга белаб –
Сениң соchlарнинг солар ўйимга...

Тош, Ү десам, мудом түшиади эсга,
Мен иң йигит вактим, сениң қиз вактинг...
Сениң яна қайтиб малол бермасга
Бел бөелаб, жонимни ўтларга ёқдим.

«Кел, деб чақиради очиқ ойналар,
Боғып «кел йигитим, қайғурма» дерди.
Юра имин тирнаб йиғелар «Тановар»,
Яиресларни титиб шамол эсарди...

* * *

Мен хар борган сари әнди Тошкентта
Сенг күрнімасста тиришар әдім.
Бир күн түсатдан мени күрдинг-да,
«Рес дан бу сенмисан, сенмисан», дединг.

Айни сахар чөнда очилған гулдек,
Қызы үлиб шиддатта минған экансаи.
Хинд құліга тушған асранди филдек,
Упсың етагингда кетавердім ман.

Товуңдай тараптан үзбек қыздары,
Дүстүр ик иззатларни күрсатиб шу он.
Эски дүстларымдек кулишиб бари,
Ёзді олдимга талабалик дастурхон.

Тош, Ү – билим боги, ёшлар дүстлиги,
Қаңчың күнгилларга нур берар ёдинг!
Тош, Ү – минг-минг қиз, йигитлар ёшлиги,
Мен иң йигит вактим, сениң қиз вактинг...

1962 йыл

ЖАЙХУН ШАМОЛЛАРИ

Отажон Худойшукировга

Қайда юрсам соғинтирадар
Она юртим томонлари.
Хаёлимда саҳар-саҳар,
Эсар Жайхун шамоллари.

Атиргул териб чўллардан,
Гулу райҳон чаманлардан,
Бизнинг бул гўзал эллардан
Эсар Жайхун шамоллари.

Пахтакор халқ – меҳнат ахли,
Мартабали идроқ, ақли,
Ҳаёт жўш урса не чоғли,
Эсар Жайхун шамоллари.

Ўзбекистон – шонли диёр,
Булбуллар ишқинда ёнар.
Ҳамма фаслинда навбаҳор,
Эсар Жайхун шамоллари.

Умр қисқа, маизил узоқ,
Йиллар биздан кетар йироқ.
Мангу қўшиқ каби янгроқ,
Эсар Жайхун шамоллари.

Эл меҳри сўнмас юзингдан,
Улуг дарёйи азимдан.
Қорақалпоқ, Хоразмдан,
Эсар Жайхун шамоллари.

Ибройим дер, эл нафаси,
Амуниинг сирли шарпаси,
Умримнинг боқий сабоси,
Салом, Жайхун шамоллари!

1981 йил.

РАСУЛ ҲАМЗАТОВ ХОТИРАСИГА

Канказнинг энг баланд чўққилари ҳам
Пасайиб қолгандек бугун қарасанг.

Патимат¹сиз қолган бу ёлғончини
Эни сен ҳам ташлаб кетиб борарсан.

Баланд тоғ бағрида булоқ тинч оққан
Чаңқоғин босади йўловчиларнинг.
Сенинг қўшиқларинг барчага ёққан
Замондошлар кўнглин чин бийлаб олдинг.

Су. ув ҳазил билан донолик сўзни
Илом узугига қўйдинг муҳрлаб.
Илон армонлари қайнаган чоғлар
Гулдан – чирой, ойдан – шуъла ўғирлаб.

Қўи сув дарёсининг бўйин жойлаган
Оз сонли аварга азиз ул бўлиб,
Илоният ор-номусин куйлаган
Тағиидинг Ҳамзатов Расул бўлиб.

Шоирлик чўққисин забт эта билдинг,
Замонингда асқар тоғлардан ошиб.
«У туғиши» деб кўкрак керган элларнинг
Шоирлари чиқолмади тирмасиб.

Сеи таваллуд топган Цада овули
Оқномида эсга олдик Ҳамзатни.
«У туғиши» деб кўкрак керган элларнинг
Деҳ Хунзах сойлари мавжланиб оқди.

Ухта, шоир! «Бул бемаза дунёнинг
Эни сен кўрмаган не қизиги бор?
Кеъ, менинг қошимга, азиз шоирим!»
Деҳ Патимат балким чорлаган чиқар...

2002 йил, декабрь.

¹ Патимат – Расул Ҳамзатовининг раҳматлиқ рафиқаси,

ОРОЛГА

Таигрим берди сени бул одамзодга,
Ризқ қозони бўлиб қайиаб турсин деб.
Бандаларим яшиаб, етиб муродга
Бу олтии соҳилда даврон сурсин деб.

Қадрингга етмадик, азизим Орол,
Хўрсинган овозинг ҳамон қулогимда.
«Умид йўлдошингдир» деган сўз ҳам бор,
Мавж урарсан замонинг келган чоғинда...

1998 йил

АЖИНИЁЗНИНГ АРМОНЛАРИ

1

Жонга тегди элнинг гийбатли сўзи,
Қисинса очилмас оқилнинг кўзи,
Шеър ҳам туғилмагай ўзидан ўзи,
Кўйинг мусофирилик ҳолимга мени.

Йўл ўртада от туёвин майирган,
Ёмони йўқ илҳоми йўқ шоирдан,
У тарз мени ўз кунимдан айирманг,
Кўйинг мусофирилик ҳолимга мени.

Камири мингирилаб сўйлаб қошинда,
Анча дўстлар қолди ўчоқ бошинда,
Оting қокилмасин менинг ёшимда,
Кўйинг мусофирилик ҳолимга мени.

Кўпайтириб гийбатлардан мўмайни,
Энг аввало жонга тегар оғайнини,
Ялтоқланиб қай бирига ёқайни,
Жабр қиласверма жонимга менинг.

Яңа күзгайверсанг менинг жинимни,
Күштімдан келганин мен ҳам этаман.
Күштігімга қисиб ёш хотишими,
Оғзингиз етмас жойга кетаман.
Күйнінг мусофирилік ҳолимінг мени.

Май, 1983 шил

2

Су тұвлар ишикінде доим күйдіриб,
Каңака қылышға ўрганған тақдир.
Фонбона ошиқлик биләп сүйдіриб,
Си замоқ бүлгандыр балки тағын бир.

Ай болық чүлінде юрсам тентираб,
Оғар булоқ бүлиб қаршымдан оқдинг.
Тағаш бүлмасам ҳам тапиб, сенсираб,
Тоғтина-тортина қопингни қоқдым.

Умр деганларин қай ери қизиқ,
Би імаса муҳаббат деган нарасани,
Оғзингдаги барча күпприкни бузиб,
Құлуп куни олиб кетдім мен сани.

Яхши-ёмон күзлар ортдан қарасам,
Дағенниң чаң ёғы томонда қолди.
Си утингдан түн бичиб, сени талашиб,
Юрганлар әмас, буюрган олди.

Анда ё мановни әл күрмас маңықул,
Күштіндім күл етиб соғынганимга.
Ләй сулувлуги - чирой ва ақл
Иккөзи бир ердан тоиилганига.

«Итхом париси бұл бояқиши шоирнинг»,
Де яратса керак тангримнинг ўзи.
Күнгілім борлығында сенинг қойилдир,
Мешірхон кампирнинг арзанда қизи!

Декабрь, 2001 шил

ИРИМ

Онам кокилимни силаб ўтириб,
«Уч ўройинг бор...» деб кулгани эсда.
У ўйлаган: болам давронни суреб,
Қатора уч ўтов тикар деб ўсса.

Иримлар бизга ҳам тиккандек қасдин,
Не дерсан тақдирнинг галма-галига.
Шукр, усиз ҳам бу ғалвали бошининг
Тўрт ўройи бўлмаганига.

Апрель, 2000 йил

КЕЛГАН БЎЛДИМИ?

Иқболинг уйғониб, баҳтииг ёнмаса,
Ёлғончи дунёга келган бўлдими?
Ишқининг висолидан меҳринг қонмаса,
Мұхаббат боғига кирган бўлдими?

Яйраб Худо қўшган хушторинг билан,
Қадринг билган қаламқошлиаринг билан,
Шагалмастлик қилмай дўстларинг билан,
Беш кунлик давронни сурган бўлдими?

Гул иниқида куймоқ – булбулиинг кори,
Софинганим – она ернинг баҳори,
Ортда қолган орзу-армоннинг бори,
Ёт юртда тушимга кирган бўлдими?

Қапоти сув бўлган қирғовул мисол,
Ёшинг қайтса, яйраб учолмас хаёл,
Қабрингнинг бошида бир яхши аёл
Йиғлаб қолмас экан – ўлган бўлдими?

Апрель, 2002 йил

О, ТАНСОЕЛИК, ТАНСОЕЛИК

О, тансоэлик, тансоэлик!
Сен бир юрган қўл ёвлик.
Бозоринг тушиб кетганда,
Нархинг пиёз бир бовлик.

Хасталик бошга тушганда
Қадрингни хўб биларман.
Мисқолингга минг сўмдан
Тўла деса, тўларман.

Хасталик бошдан кетган дам
Устингдан яна куларман.
Мойига минган уловдек
Ем-хашаксиз минарман,
Азобингни берарман.

О, тансоэлик, тансоэлик,
Ўхшайсан оқар булоқقا.
Шул булоқнинг бошидан
Оникетар йиллар узокқа.

Ёғ томизиб турмасанг
Ёнавермас чирок-да.
Шифокорнинг айтганин
Илмадим унча қулоққа.

Айлантирганим сен бўлдинг,
Борар бўлсам қўноққа.
Бошқанинг қўнглини йикмадим,
Йикдим сени бироқ-да.

О, тансоэлик, ўзинг ҳам –
Қилик йўқ аллоҳ суйгудай.
Ёнғоқнинг тош қобигин
Муз қўпорган суйридай.

Сен чеккан чилим дудидан
Тандирининг ўти сўнгандай,
Сен ютган никотинлардан
Бир уюр йилқи ўлгандай.

Юмшайман сени отамнинг
Тониб олган иулидек.
Кийнайман сени Мисрнинг
Бони боғлик қулидек.

Одамлар сени бузади,
Шифокор бояқни эмлайди.
Олдидаи оққан дарёниг
Қадрини киши билмайди.

Миниб юрган отинг-да
Кутим талаб этади.
Тансоелик ҳам хотиндай,
Қарамасанг кетади.

1992 йил

СЕН ДЕГАНДА...

Юлдузларнинг энг ёрунн
Териб-териб ола қолган.
Одамларнинг энг яхиси
Шу ёғуга бора қолган.

Аскар тоғдай одамликии,
Оққан сувдек ҳалолликни,
Улуеликии, одобликни,
Қўқрагинга куя қолган.

Сен тұғасан оқилюн ҳам,
Сулувни ҳам, ботирни ҳам...

«Халқ» деб сенинг отиңгни ҳам
Ким қўйса-да доно қўйган.

Сен қувонсанг қўнглим тошиб,
Ой, ўлдузни оралайман.
Сал раңкисанг, мазам қочиб,
Соғ жонимни яралайман.

Баъзан ўзим доидайман,
Баъзан ўзим чаладайман,
Сени кўрсам, ўз отамга
Эркалаган боладайман.

Сен йўн¹ берсанг, топарман сўз,
Бирни икки санамайман,
Сен буюрсанг, ишга шўнғиб,
Дов-сийингта қарамайман.

Қўнглиниги топишни ўйлаб,
Бир сўзини бир сўзга бойлаб,
Қора тунда қалам чайнаб,
Оқ қофозни қоралайман.

Орзуйим шул турсам-ётсам,
Сўз қушини учган чоғ отсам,
Сенга оз-кам сўз унат²сам,
Боинқа бахтии сўрамайман.

Ажиниёз, Бердақ ўтди,
Аббоз, Содик жирлаб ўтди,
Дарё бўлиб қайнаб ўтди,
Шу дарёни ёқалайман.

¹ Йўн — илҳом.

² Унат — маъқул киймок.

Номус учун от қочирган,
Юксак орзуга осилган,
Мен ҳам юртдек ризқ ташиган,
Бир жафокаш чумолидайман.

Шеърим – денгиз, бўлсам – балик,
Иш буюрса сиздек халқ,
Оёғимни қўлга олиб,
Боним билан юмалайман.

ТЎРТЛИКЛАР

Кўрдим Мономахнинг, музейда, бўркин,
Уни оғир дерлар (тўғридири балким),
Бироқ уни бўйни синиб кетса ҳам,
Бир киймоқни орзу этади ҳар ким...

* * *

Ишламаган бошни қийнаб терлама,
Отларга урмасин эшакнинг чанги.
Олма тушган билан ахмоқ каллага
Очилавермайди Ньютоннинг занги¹.


* * *

Ёт юртларда ўлди Овидий Назон,
Ватан айрилиғи шоирни йикди.
Зар ё гавҳар эмас, чўнтағидан сўнг
Тугилган бир қисим тупроқ чикди...

ИККИ ҚУВОНЧ

Мен отимдан тушиб бошқага бердим,
Эгари, тўрваси, қамчиси билан.
Сен дарҳол қувониб югуриб келдинг,
Кўзингда шодли ёш томчиси билан.

¹ Занги – конуни



Сен бояқишиң күвондинг ҳаз¹ этиб кулиб,
«Пиёда қолдириб, жазоладим-ов» деб.
Мен бояқишиң күвондим: яёв юрганча
Күп яхши шеърларни ёзаман-ов, деб...

1988 йыл, март

БИР ПИЁЛА ЧОЙ ҚҮЛГА ОЛИБ...

Бир пиёла чой қўлга олиб,
Майл этдим назар солиб,
Пиёламда нозли чайқалиб,
Келар бир қўноқ, бир қўноқ.

Чойни ичмай чайқаб қўрдим,
Юришларин иайқаб қўрдим,
«Ким экан?» деб қараб қўрдим,
Бизга йўл олган бу қўноқ?

Чиққан жойи узоқмикан,
Кегайли ё Мўйиноқмикан,
Бир худойи қўноқмикан,
Бўлғай-да бир қутлуг қўноқ.

Тик юрса чой чўни роса,
Кўноқ келар йўлини солса,
Келар эди бизни деса,
У ён, бу ён чайқалмаёқ.

«Тўқсон беш»да шама оқдур,
Дек юзингта тўймоқ йўқдур,
Ҳўнгил – қўнгилга қўноқдур,
Шуни биларми бу қўноқ?

¹ Ҳаз маза қилиб.

Юзидан нур сочганларин,
Ипин узиб қочганлари,
Секин оёқ босганлари,
Сенга ўхшайди бу құнок.

Оқшом сирлашиб ой билан,
Күним ўтар «бай-бай» билан,
Ичиб құярман чой билан,
Тезроқ келмасаң сен қўноқ...

ГУЛЛАР АНГЛАМАС

Тўнидан айрилган тўрола ғозининг
Оҳ уришин ойдин кўллар англамас.
Гул ишқинда куйган булбул ииласин
Бахорда очилган гуллар англамас.

Бировга – айролик, бировга – сайрон,
Дунёнинг ишига қоларсан ҳайрон,
Сув излаб улокса ярадор жайрон,
Ўзи сувсаб ётган чўллар англамас.

Қасдинг бордай шунча қийнаб жонимни,
Лёвсиз чертарсан кўнгил торимни,
Менинг «сен» деб чеккан азобларимни,
Худога минг шукр, эллар англамас.

Гул мавсуми ўтар баҳори-ёзи,
Бемахал урмагай хазон аёзи,
Ошиқ Лёз «сен» деб битган баёзин,
Бедард жонлар, олчоқ диллар англамас.

МУНОЖОТ

Тангрим, иисоф бер ўз бандаларингга,
Бу боришда нечук замона бўлар?
Дард ямалиб кўнгилларининг торига,
Давр турғуниликдан овора бўлар.

Ҳқил ох-зор чекиб, бўлиб ор сари,
Ҳим не айтса оғиб юртнинг овсари,
Молин пуллаб бенисофлик бозори,
Ҳар кимнинг кўнглинида бир нағма бўлар.

Ҳимлар ҳийла билан балқиб ётажак,
Нуулга ўтса йўқ иймонин сотажак,
Муруват тонглари қачон отажак?
Юртнинг бир орзуси шугина бўлар.

Тикаббурлик иллатига чатилиб,
Еччиллар ожизга тизза ботириб,
Арzon сўзлар қимматига сотилиб,
Беғдой ионнинг изи зовора бўлар.

К ірмизи қон оқиб аскар тоғларга,
Хобил-Қобил тушиган битмас довларга,
Оғалар фарзандин бериб ёвларга,
Бетасиз бўзлаган арвона бўлар.

Ташим, сен биларсан замоннинг сирин,
Фъъл озса, иқболнинг кетар яширин,
Қўнгилларга қуйсанг муруват нурин,
И сон бир-бирига парвона бўлар.

Юзак ёнса ишқнинг ўтида ёнсин,
Оғиқлар уйқусин бузиб уйғонсин,
Та иса оналар бешик таясин,
Ба док таянганлар бечора бўлар.

Ўт ар ёнса ёнсин ўчоқда гурлаб,
От ар пойга қиласин совринга терлаб,
Ки қўлин илитса уруш ўтин ўнирлаб,
Қайшига учрагай, гирёна бўлар.

Ушлашса полвонлар ёқа ушлашсин,
Ташлашса күчкөрлар калла ташлашсин,
Урушса хұrozларгина урушсин,
Одам урушған ерлар вайрона бүлар!

1988

*Аденбай ТАЖИМУРАТОВ,
Қорақалпогистон халқы ёзувчиси
(1930–1992)*

ОҚДАРЁ

Ота-бобом Туркистандан айланиб,
Душманлар жабридан баҳти бойланиб,
Кия чүлда сув топмоққа шайланиб,
Сенга қадар зўрга етган, Оқдарё.

Чивин жону қуруқ жусса қолганда,
Йўқчиликдан оч ўзаги толганда,
Ажал келиб жуфт ёқадан олганда,
Умрини қайтариб бердинг, Оқдарё.

Балиғинг одамнииг озиғи бўлди,
Қамишинг саксовул-созоги бўлди,
Тўшак – кўкат, ёстиқ – тўзғори бўлди,
Чиқмас жонга сабаб бўлдинг, Оқдарё.

Ҳалқим чин қадрингни шу чоғ билгандир,
Ёмон кунда зийнатингни кўргаидир,
Отам менинг шундоқ айтиб бергандир,
Хизматингни баён айлаб, Оқдарё.

Эл келди бўйингга, тошди дармоним,
Сен мавж урсанг, бўлди ширин бол, ионим,
Ирмогисан улуғ Амударёнииг,
Боболар макони, салом, Оқдарё.

Бармоқ ўлчовинда қўниқ порлаган,
Мухаммас авжида ошиқ зорлаган,
Ажиниёз шоир илҳом чорлаган,
Кирғозингда жўшиб туриб, Оқдарё.

Тун ичинда ойна бўлиб ойдининг,
Ҳаволарда ғозлар учган пайтининг,
Киндик қони томган Бердақ байтининг,
Пайдо бўлган соҳилисан, Оқдарё.

Тошиб-тошиб сув қаърини ёрдинг-да,
Баланд чиқдинг тенасига жарнинг-да,
Сози бўлиб илҳом деган торнинг-да,
Сенга зиёратга келдим, Оқдарё.

Мехринг ҳеч тинмасдан мавжланиб турди,
Оролга шиддатинг жавлони урди,
Эл бўйингда янги давронин курди,
Давронинг яшасин бирга, Оқдарё.

СЕН СУЛУВ

О, сулувлар осмондаги юлдузлар,
Ялтираган сув тубида қундузлар.
Сулув ўзи – қай ер экан,
Ким экан?
Қайси бири:
– Мен сулувман! – дер экан.

– Орол сулув, Орол сулув, десайди,
Шуни айтиб,
Тўлқин қўзғаб,
Шамол гувлаб эсади.
Чопиб келиб шул Оролдан сув ичган,
Устюртдаги морол сулув, десайди.

Боққа кирсам, ғамгин күнглим яшнайды,
Хуш овозли бөг булбули сайрайди,
Инак шамол сочим тортиб ўйнайды,
Севган ёринг, чиройли қиз қайда? – деб.

Боққа кирсам, боғбон эккан ниҳол бўлиб,
Таъзим қилсан қўш повдали тол бўлиб,
Айтар эдим келса ёрим бор бўлиб,
Чиройли қиз ишик ўтида шайдо! – деб.

ОЙДИНЛАР

(*Балиқ овидаги ёрини кутган
қизнинг қўшиги*)

Эслаб сени уйдан чиқдим далага,
Аста келдим денгиз бўйи ёқага,
Кун ботса-да тинмай учар чағалай,
Ёр кўринмас олисларга қарасам.

Ойдинлар, ойдинлар, чексиз ойдинлар,
Биздан севар ёрга салом айтинглар,
Тўлқинлар, ёримни олиб қайтинглар,
Ёр кўринмас олисларга қарасам.

Ярқираган ой кўринди ўн тўртдан,
Нурии сочиб ойдинларга сен кетган,
Йўлларингда севар ёринг тур кутган,
Балки сен ҳам мени эсга оларсан.

Ойдинлар, ойдинлар, чексиз ойдинлар,
Биздан севар ёрга салом айтинглар,
Тўлқинлар, ёримни олиб қайтинглар,
Ёр кўринмас олисларга қарасам.

Оқ рўмолим елкан янглиғ ҳилпираб,
Нишиқ ўтига ёш юрагим дилдираб,
Чиройингни кўз олдимга келтириб,
Сайдинлардан сени излаб турибман.

Сайдинларда оқкувлардан ўзганим,
Сов, тузоқдан олтин балиқ сузганим,
Гўлларингга телмиради кўзларим,
И у соҳилда танҳо кутиб турибман.

Сентябрь, 1969 йил

Холмурод САФАРОВ,
Корақалпогистон ҳалқ шоири
(1932–2009)

ҚЎНОҚ

Отам, онам қучогин очиб,
Қўноқ келса ҳурмат этади.
Шодлигига шодлик улашиб,
Куёш каби яшинаб кетади.

Онам таом шайлашга чевар,
Кенг дастурхон тўла иеъмат жам.
Уйга қўноқ келмаса агар,
Бир нарсаси бўлаверар кам.

Қўлига сув қуяман мен ҳам,
Яхши сўзин айтади меҳмон:
«Эл корига яраган ҳар дам
Ботир йигит бўлгин каттакон!»

Қўноқ учун хизматга тайёр,
Тургум доим ҷарчамай, ҳормай.
Бизнинг уйга қўноқ келса гар
Бирга кириб Барака келгай.

Матен СЕЙИТНИЁЗОВ
(1934–2006)

УСТИОРТ ҲАҚИДА ШЕЪР

Кўнгилларни хушхабаринг тортади, Устюрт,
Қорақалпоқ элини иқбол партови* Устюрт.
Мана, бугун одам юриб келади ўрлаб,
Сенинг мангу кенгликларинг орқали, Устюрт.

Бурун иисон товоицлари тегмади, Устюрт,
Осмонингда қуши қаноти қўйганди, Устюрт.
Етти қават ернинг остин бурғулаб ҳозир,
Ўрмаламас бейигингга ўрладик, Устюрт.

Сенга қараб яиги юклар ташилар, Устюрт,
Жазирангда яиги учқун сачирар, Устюрт,
Қўқ шойидек оловларинг отилиб сенинг,
Ниқобланган сиё зулфинг очилар, Устюрт.

Жазирангнинг алоҳида завқи бор, Устюрт,
Нечак юрак орзу билан талпинар, Устюрт,
Борган одам макон босар сахинингда энди,
Бормаганлар бир бормоққа жон ҳумор, Устюрт.

ЭЛ УЧУН ТУФИЛГАНЛАР...

Эл учун туғилганлар,
Ўта кўп бойимайди.
Шундай қиласа ҳам улар
Умрдан нолимайди.

Сабаби ундаиларнинг
Ўйида номус турар.
Нафси ҳам шундаиларнинг
Ақчадан олис турар.

Иш учун югурса ҳам,
Мол-мулк деб югурмайди.
Халқим деб оғриса ҳам,
Мансаб деб оғримайди.

Эл ғамин ўйласа ҳам,
Ўз ғамини ўйламайди.
Ор-номус түпласа ҳам,
Мол, дүнё йигінамайди.

Не топса, барчасига
Хаммани шерик килар.
Сүз берса халқ олдида
Пўлатдек берк бўлар.

Ўлса ҳам ундай одам,
Ростликни ёқлаб ўтар.
Эл орин бойлигим деб
Дилида саклаб ўтар.

*Марат ҚОРАБОЕВ,
(1934)*

ДҮСТЛИК

Мен инсонман!
Құыш билан топишдим,
Дұстим бўлиб нурии сочди олис кун,
Яңайвердик дўстлик ришига орада,
Дұстлигидай денгиз билан соҳилнинг.

Қаі вақт бўлсин дўстлик билан тирикман,
Ту әдим дўстга қучоримни кериб ман,
Та диримга дўстим туташ ҳамиша,
Мен дўстимнинг иқболига шерикман.

Дүстлик билан яхшиликка йўл олдим,
Дўстлик билан отдик талай зўр одим.
Қуёш менинг йўлларимни ёритса,
Мен куёшли муҳаббатга ўрадим.

Менга интиқ нур, интиқман нурга – мен,
Мангудўстлик сенда сўнмас шуъла жам.
Бу дўстликни ҳеч бир қудрат бузолмас,
Шу дўстликка суюнади бу олам!

Аскарбой АЖИНИЁЗОВ
(1937–2001)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Каштанраинг, кофе мисли,
Асов оқим, лирик жўшли,
Оlamдаги энг бир кучли
Артерия Амударё,
Соҳилинда этсам сайрон,
Минг беҳиштга боргандайман.
Тўхтов билмас шавқинг тўксанг,
Йилки жонли табарруксан,
Сен орқали мен Аскарбой
Лаҳза, сен-чи мангуликсан!
Лаззат олган теваракдан,
Мен «азият» – озод қушман,
Хосиятли тупрогингга
Киидик қоним томган бўстон,
Қорақалпогистон, Қорақалпогистон.

Куриб қолган кўлинг билан,
Мис қайнаган чўлинг билан,
Азиз она тилинг билан,
Кўшиб ҳарна борингни мен,

Кипригимнинг орасинда,
Сақлар эдим чин, ростим-да.
(Бироқ «бул сўз» таҳлили тўқ)
О, кўнглимнинг хонасида,
Олиб юрсам жоним сени,
Лайбламас хеч ким мени,
Курама халқ макон босган,
Чиллахона нур ёғилган,
Оқдарённинг қирғорига,
Киндик қоним томган бўстон,
Қорақалпоғистон, Қорақалпоғистон.

Шўрхок очгаи еринг сенинг,
Эшиқдандир тўринг сенинг,
Кўп миллатли элим менинг,
Ҳалол манглай терим менинг,
Топган бору йўқийгни мени,
Руҳий озиқ дейман, жоним,
Оҳ, кўз тўймас қадрдоним,
Кувончидан тўлиб-тошган,
Болажоним бағир босган,
Қанотимсан олиб учган,
Дин, иймоним, диёнатим,
Фазилатли фаросатим,
Энг аяган асл зотим –
Тўнғич, сўнғти муҳаббатим,
Таърифинг бир нозик достон,
Тўтиёдек тупроғинга,
Киндик қоним томган бўстон,
Қорақалпоғистон, Қорақалпоғистон.

«Толлиқ соҳил» тилло толим,
Ўзинг қанот, қуйруқ, ёлим,
Она Ватаниннинг кафтида,
Кўйлагим кўк, ионим қалин,

Чексизликинг чегараси,
Ўзган ҳунар ўлчов тоши,
Эх-хе, Чимбойиниг даласи,
Соат тили хориб-толиб,
Кўк жилога қўнар бориб,
Жайрон яйраб кирларингда,
Юлдуз ухлар сувларингда,
Коратовиниг қушхонаси,
Ойбуйириниг ён бағрига,
Эски элсан макон босган,
Оқдарёнинг кенг қаърига,
Күш бозори чуғурлашган,
«Девкампир»нинг манглайинда,
Шўр бўлса ҳам софсан дея,
Чучуксан деб меҳр қўйган,
Тузи босим тупрогига
Кинидик қоним томган бўстон,
Қорақалиюғистон, Қорақалиюғистон.

Күш қўноқлаб қушхонада
«Күш бозори» бўлмас адо.
Аскар тоғлар бўлмаса-да,
Кўнглим баланд аскар тоғдан,
Саксовуллар булат «соққан»,
Машаққатта қарши чиқиб,
Униб-ўсмоқ йўлии топган,
Қизилкумдан қўзи терган,
Чорвалари оқ ризқ берган,
Шоирлари сўзга мерган,
Ўн тўрт кунлик тўлган ойдай,
Кариндошлар қуралайдай,
Шеърларимга ошиқ бўлғай,
Ўз оғамининг боласиндай,
Бир севимли қўшиқ бўлғай,
Қизни сийлаш, сўзни сийлаш,
Халқаролик касб бўлғай,

Гул қызларни, гулни мақташ,
Шоирларга насиб бүлғай,
(хар сүзига бир гул қүшган
Бойниёздан безолмасман),
Бүзбағири тунрогина
Киндиқ қоним томган бүстон,
Қорақалиогистон, Қорақалиогистон.

Орол буткул қуриб қолмай,
Түшнелама¹ тұлар ҳали,
Шундок қунлар келар ҳали,
(«Күй устинда тұргай ағнаб»),
Денгиз тұлса түйимизга,
Дүст-ённелар келар ғовлаб,
Яшил майса жовдирашган,
Қыздай сулув қызил жиңирил,
«Хон қизи»дан мүнчоқ таққан,
Қовул билан адрессан,
«қызилинарбат» янтоқлари,
Түрт тұлік²ка майдек ёққан,
Ез яйлови жимирлашган,
Түрт тулиги манглай боғсан,
«Ялпокён»нинг соқа³синда,
Оқдарённинг ёқасинда,
Оқ үтлоқи тунрогина,
Киндиқ қоним томган бүстон,
Қорақалиогистон, Қорақалиогистон.

«Вафо қули», «Коратеран»,
Күрсанг гүё Рица дердинг,
Обиҳаёт — олтин заранг,
«Еркин», «Бадай тұқай»лари,
Жанинатингта теңг ҳар жары,

¹ Түшнелама — лиммо-лим.

² Түрт тұлік — чорванинг түрт тури — корамол, қүйі-әчки, йылзи, түя.

³ Соқа — ирмокининг боялланыш жойи.

Курорт бўлиб ҳали бу ер,
– Кавказ, Крим бизга йўл бер! –
Деб жар солар Кунчиқардан,
Тақдир туташ азал бошдан,
Кавказ, сенга эски дўстман,
Ўрмамбетнинг бир боласи,
Нўғой билан хонадошман,
Жайхун дарё ёқасинда,
Табаррук шу тупроғина,
Киндик қоним томган бўston,
Қорақалпоғистон, Қорақалпоғистон.

Қўнок учун қовун экиб,
Қўноғига меҳрин бериб,
Қўноғин қизиндай кутган,
Жамоатчи, жўмард жонли,
Сахий, дархон, дастурхонли,
Дилин очган қайноқ кўкрак,
Камтарликка ҳадди кўпроқ,
Миллатсан бир ўрни бўлак,
Қора толинг, қора тоғинг,
Қўзларимнинг олди ёғин,
Оҳ, «Хон қизи» уя босган,
Кизил жинғил аралашган,
Шифоли гиёҳ адраспай,
Қўзмунчоқдек жовдирашган,
Кабирли чўл, тузли осмон,
Киндик қоним томган бўston,
Қорақалпоғистон, Қорақалпоғистон.

Ариларинг бол беради,
Капалагиниг гул теради,
Йўнгичканг бор яшил гилам,
Кўз тўйдирап қадди бирам,
Шоир бўлсам Ажиниёздай,

Бунчалар чувалтиб ёзмай,
Худди сенинг сийратингни,
Туриб олиб бир четингда,
Юрагимнинг қуиб қонин,
Ёзиб чиқар эдим, жоним
Ёзмай тоқат этолмасман,
Денгиз қочиб, тузлар учган,
Тақдирингга ўртоқдошман,
Халқим ҳохлаб макон босган,
Икки дарё дийдорлашган,
Жуфт чўлистоң ҳуштак чалган,
Ўзим унган туирогимга,
Тунроқ бўлиб аралашсам,
У дунёлик Ватандошдан, –
Ўтингим бор ушбу бошдан:
Чарчадим мен, дам олайин,
Ёлғончининг муаммосин,
Ҳалол, ҳаром, оқ, қорасин,
Айт деб менга жабрлашманг,
Киндик қоним томган бўстон,
Қорақалпогистон, Қорақалпоқистон.

Узоқбой ПИРЖОНОВ
(1937)

ҚОРАҚАЛПОҚМАН

Саҳроларда чўллаганиман,
Талай сўлиб гуллаганиман,
Бахт йўлини сўраганиман,
Йўлларимда бўлди қонқон,
Қорақалпокман, қорақалпокман.
Сабил тортдим Туркистондан,
Кўз ёшим тушида даҳандан,
Нар қамишдан гурлаб ёнган,
Ўша тандир, ўша ўчоқман,
Қорақалпокман, қорақалпокман.

Тарихимда оху зорим,
Асрайман деб халкнинг орин,
Увол кетган Ериазарим,
Гүё айбли, гүё ноҳакман,
Қорақалиноқман, қорақалпоқман.

Мен Хивада дорга осилдим,
Бони құттарсан дархол босилдим,
Бедов отек туёғим тилдим,
Қоронги зиндоңдаги оҳман,
Қорақалиноқман, қорақалпоқман.

Фарқи қолмай қиши ва ёзниңг,
Кучдим талай, озиб-түздим,
Құл қавартиб, қазув қаздим,
Озиғи йўқ, йўли йироқман,
Қорақалпоқман, қорақалпоқман.

Бой, оч икки ёига тортган,
Бир-бировга кўз олартган,
Миқти беҳолни йиғлатган,
Зулматда ҳам кўнгли оқман,
Қорақалпоқман, қорақалпоқман.

Озодлик деб фидо бўлдим,
Оч, ялонгоч, гадо бўлдим,
Нега шунича сода бўлдим,
Гоҳ бор, гоҳи йўқ қароқман,
Қорақалпоқман, қорақалпоқман.

Етти отам, етти бобом,
Бугун шоддир рухлари ҳам,
Етиб келди озод, обод дам,
Эрк қуёшин нуридан оқман,
Қорақалпоқман, қорақалпоқман!

АМУДАРЁ, ЁҚАЛАСАМ БҮЙИНГНИ

Юйузлар пирнираб, Чүлнөн ботганды,
Бүз туманлы олтис тоңглар отганда,
Шылаласынб уфқка сағ тортганды,
Оң тол япроқлари шивирлашганды,
Амударё сохилингда бўлганиман,
Бағанд қанориндан бокиб турганиман.

Гўял нур қайтарар қуминг ва сувинг,
Шибнамга белангани қамиш – сулувинг,
Тегак тўлқинларинг солган гулувинг,
Гўс болаликдек қайтиб келувинг,
Шу чое гўзалликка назар солганман,
Сейда барин кўриб хайрон қолганиман.

Бири ёқ келганим йўқ хайрон қолгани,
Фаат сулувликни сайлаб олгани,
Мең бола эдимми қармоқ солгани,
Мең хуштормаи лаззатингга тўйгани,
Тан а ширин хуш ҳавониги ютганман,
Инаш шамолинингга кўксим тутганиман.

Қар б турсам асов шаштили оқининг,
Турғиши тошкниидек олға чопининг,
Сулвлик макони яшил оғушинг,
Ватаи, халққа хизмат қилмоқдир ишининг,
Сенди адо бўлмас бойлик олганиман,
Гуллган чорингда мен туғилганиман.

Аму, арё, ёқаласам бўйингни,
Оқишиб кетасан хаёл-ўйимни,
Биревлар сўраса тарих сирингни,
Ифтхор этаман томчи сувингни,
Сувингни ардоқлаб, ичиб қонганиман,
Хову лаб рухимга озиқ олганиман.

*Шаудирбай СЕЙИТОВ
(1937–1996)*

ҚАЙТАРИБ БЕР МЕНИНГ АМУДАРЁМНИ!

«Тилингдан без!» дединг, бездим тилимдаи,
«Динингдан без!» дединг, бездим динимдаи,
Қаршиигда бўзлайи бўлиб бўз инган,
Аллоҳ, авф айлагил оғир гуномни.

Чечаинга сифиндим, алдади мени,
Ўшанга сифиндим, алдади мени,
Ўзга сифинарим қолмади энди,
Бахт ато айлагил, қийнама жонни.

Майли, бандам дема, тилансам ҳам нон,
Сендан сўрамайман тожу таҳт, иймон,
Ҳатто дўзахингга шайдирман бу он,
Фақат қайтариб бер Амударёмни!

Бизни тортган талай ҳонлар дорига,
Халқим гувоҳ қирғин замонларига,
Лекин қирилмаган Аму борида,
Саклаб бергии менинг Амударёмни!

Қайсар бўлсанг қайтсин сенга бу даврон,
Тузланиб ўлгандан афзалдир зиндон,
Айламоқчи эрсанг халқимни гумдон,
Қайтариб бер менинг Амударёмни!

Менинг кўз ёшимга Орол тўлмаса,
Омад ҳам ҳолимдан хабар олмаса,
Эзгу умидларим ёлғон бўлмаса,
Қайтариб бер менинг Амударёмни!

Пүрли пешонамнинг шўрин ювайин,
Онамнинг шўр очган гўрин ювайин,
Ненга қултум сув бер ерин ювайин,
Найтариб бер менинг Амударёмни!

Ҳозинг адолатли, ўзинг ҳақ бўлсанг,
Нарча халққа одил, тенг нигоҳ бўлсанг,
Норақаллоқни соғ қолдирмоқ бўлсанг,
Найтариб бер менинг Амударёмни!

Гулистон ШАМУРАТОВА
(1937–2015)

МУҲАББАТ АФСОНАСИ

(поэмадан парча)

Бо ҳор ҳар йилгидан эртароқ келди,
Кашнинг қахри қайтиб, кун бирдан илиб.
Онамнинг ўйига келмайди ислар,
Қигилини вайронлар бир телба қилиб.
Чеф юлдуз кўз қисиб имлади кўкда,
Яна яшармоқда бу ёруғ жаҳон.
Кўзларим жовдираб асло ёш тўкма,
Оғзулар чўққиси кенг ва беноён.
Юзак хаёлларга банд айлаб бизни,
Баҳор ўй туедирар яна ҳам ўйдан.
Гулаган ўриклар тортмоқда кўзни,
Шрин хаёлларга берилдим бир он.
Қаича яшасанг ҳам қизик бу дунё,
Емниш бўлиб йўлларимга сочилди.
«Шошилма, у балки бузук бир ўйми!»
Дес шамол тортади кумуш сочимни.
Йўқ, ошиқиб кетсам, кечиргай Аллоҳ,
Бу кунга етган бор, етмаган ҳам бор.
Шуича гул юзлини бул ер ямлаган,
Ду ёга келганинг кетмаги ҳам бор.

Чигирнинг тишидек айланар дунё,
Умр бораверар кам-кам яшариб.
Ўзингни олдирма ўлимни ўйлаб,
Унинг билан қуран бор қучни солиб.
Ўлганини тирилтиб, қайта яшартиб,
Яшамоқ шарт нафас себ бўлганича.
Ёзғут бўлганинча тақдир тош ортиб,
Яшаган афзалдир дунё турганича.
Мехнатда чиниқиб ота-бобомиз,
Бахт тоғган, униб-ўсган итилиб.
Тилга дурдек ўғит айтган дономиз,
Шу боис юрибсан элни гул қилиб.
Кун сайни тўлишар турмушнинг кўрки,
Эсга солар, кўҳна хусн йўқотмаган.
Теран мазмун қасб этмоқда чор-атроф,
Шоир борми бунига тавсиф айтмаган?!
Дуркун-дуркун авлод ўсиб жайдари,
Тўлкун янглиғ жилолаинган ниҳол онг.
Эртак әмас бироқ менинг айтганим,
Ҳақиқатдан яралган бир афсона...

**Улмамбет ХЎЖАНАЗАРОВ,
Қорақалпогистон ҳалқ шоири
(1938)**

ОБЪ ДАРЁСИ СОҲИЛИДА

О, Сибирь дарёси товланиб оққан,
Қани, кўкрагимга илҳом сол бугун.
Мен бир йўловчиман келган йироқдан,
Сахро орзуларин тинглаб қол бугун.

Кўзим яшил тусли жилоларингда,
Ўзим – сувинг янглиғ тиниқман бугун.
Бироқ жимиirlаган олис-олисга
Сувингдек санчилиб турибман бугун.

Мен ёлвіз отлидек йўлдан адашган,
Бу ажіб сохилда кўнарман бугун.
Гўё карзим бордек минг йилдан ошган,
Қайтариб ўта, деб сўрарман бугун.

Ҳиов жўшқин-жўшқин сувнинг ҳаммасин
За яшил ўрмонни менга бер бугун.
Ҳайсаρ жазирама йўқотсан эсин,
Ҳани, бир сахийлик этиб кўр бугун.

Сахийга – шарофат нури» деб бизда
Нен сенга шул нурни инъом этайин.
Салқин нафаснингни биз томон гизла,
Гоминингни байроқ ва шиор этайин.

Галким, бу туйғулар эрта туғилған,
Ғундуз кувраб, тунида тўнганим учун.
Сиробни қувалаб узоқ юргурган
Е ёр сахро боласи бўлганим учун.

Тери, дарёмиз бор, Амудир исми,
Помирдан Оролга қуйиб турибди.
Денёнинг энг катта икки чўл қисми,
Унинг икки лабин суйиб турибди.

Еї – юмалоқ ўтов, Помир – шангарак¹,
Аму – Осиёнинг эрка фарзанди.
У отланар ҳар кун саҳрона қараб,
Мен ҳам шу сохилда ўсган дилбанди.

Би ўоқ, сенга ўхшаб, Аму ҳеч қачон
Ди ёдор кўришмаган океан билан.
Си ёа довруқ солиб кемалар, ишон,
Су нида сузмаган эрта тоиг билан.

¹ Шангарак – ўтовнинг юқорги қисми.

Хозир ҳам сузмайди ундей кемалар
Табиат бу сийни бермаган ҳеч вақт.
Айт, энди ул сенга қалай тенг бўлар,
Океан китларин қўрмаган ҳеч вақт.

Балким, шу туфайли кекли ботирдай,
Аму чўл қўйнига уради ўзин.
Ва сўздан енгилган лўли хотиндай
Зўрга-зўрга тутиб туради ўзин.

О, Сибирь дарёси айтайнин несин,
Амуниинг орзусин аиглаб қўр бугун.
Лнов мавжли-мавжли сувниинг хаммасин,
Ва яшил ўрмонни менга бер бугун!

ҚАДРЛИ

Бўлса ҳамки қаричдай,
Туғилган ер қадрли.
Қаторингдан қолишмай
Юурган ер қадрли.

Олис ерда адашсанг
Йўл бошлиниг қадрли.
Үпкалашиб, ярашган,
Йўлдошлиниг қадрли.

Туғишгандан тунгил¹санг
Хув, олисинг қадрли.
Қайғу билан қайишсанг,
Кувонишинг қадрли.

Уя босган маконинг,
Учганингда қадрли.
Тухмат солган дўстингдан
Душманинг-да қадрли.

¹ Тунгилсанг – қўнглиниг қолса, деган маънода.

Кўнаман деб қайрилсанг,
Кўлиниг бўлар қадрли.
Ор-номусдан айрилсанг,
Ўлим бўлар қадрли.

МИНОР

Бухоронинг эски минори
Барчасидан бийик турари.
Икки масжид икки ёнида
Зарбоф тўнин кийиб турари.

Йил ортидан йиллар ўтибди,
Не-не подшоҳ келиб-кетибди.
Бир сафари амирга бирор
Бу тарзда арз этибди:

— Қалай бўлар бир иш бошласак,
Гуноҳкорни дорга осмасак,
Ундан кўра қирқ газ минордан,
Чарх урдириб ерга ташласак?!

Амир буни маъкул топибди,
(Арзгўйга сарпо ёпибди),
Ҳар качон ҳам бийикка чиқин
Бўлган экан шунчалар хавфли...

МАСЖИДИ КАЛОН

Э шитсам ҳам талай ривоятларни,
Э шитсам ҳам талай машҳур отларни,

Е ти дарвозали Масжиди Калон,
С ўқда қўймоқ учун келмадим бу он.

С ўқда қўймоқ учун келмадим бу дам,
Лекин кўзли бўлган уйдаги онам.

Кетар чогим сийпаб туриб сочимни,
«Онкел!» деди сенинг асл тошиигни.

Қани, бергинг сенинг асл тошларинг,
Дардларига даво бүлсии боиқанинг.

Қани, онам топса шифодан нишон,
Бўла олса эди кўзига равишан.

Қайтай, онам олдидаги фарзнинг,
Мингдан бирин ўталмаган қарзининг.

Мана, одоб сақлаш тушди ҳиссамга,
Бир сулув тошиигни солдим киссамга.

*Тўлепберген МАТМУРАТОВ
(1939–1984)*

КУЛГУ ДЕГАН МУЛКИ БОР

Қорақалпоқнинг неси бор,
Энг қимматли юрти бор,
Кўнгилининг хуши бор,
Кулгу деган мулки бор.

Ўтирганин тумандек
Жек кўради¹ қоракенг.
Қахқахасин осмоинга
Еткаради қоракенг.

Кулмаса оғзи қичиган,
Кулмаса келмас уйқуси.
Кўнгилининг бурчидаи
Туртиб турар кулгуси.

¹ Жек кўриш – ёқтираслик.

Кулмок учун бирлашиб,
Жам бўлишиб олисдан,
Бир бирини излашиб,
Босқилашиб¹ тонишган.

Йиғлагуича кулишиб,
Кўнгиллардан чанг учар.
Босқилашиб кўришиб,
Босқилашиб тарқалар.

Бир кулишиб олмаса,
Дехқон шоли ўрмайди.
Қахқаҳаси бўлмаса
Қорақалиюқ бўлмайди.

ЭЛДАН ОРТИҚ...

Элдан ортиқ бўлғон йўқ,
Элдан ортиқ кўргон йўқ.
Эл деганинг – муҳаббат,
Муҳаббатда ёлғон йўқ.
Муҳаббатенз одамда
Сиёқ бору дармон йўқ.
Муҳаббатнинг ўтига
Ёниб ўтсанг армон йўқ.

ШИЛДИР-ШИЛДИР СУВ ОҚАР...

Шилдир-шилдир сув оқар,
Шилдирайди япроқ.
Менинг кўнглим қувонар,
Жанинат эрур бу атроф.

Шилдир-шилдир сув оқар,
Шилдирайди ёўза ҳам.
Сув келганга қувонган
Кўшиними бу оҳанг?

¹ Босқилашмок – бир-бирига қаттиқ ҳазил қилмоқ

Шилдир-шилдир сув оқар,
Қыздек сирли қулади.
Кимнинг бундай вақтлари
Энтикмайди юраги?!

Кеңг далалар устидан
Шилдир-шилдир сув оқар,
Шилдираган сасидан
Ўсимликлар уйғоңар.

Шилдир-шилдир сув оқар,
Қалдиրғочлар сайрайди.
Оққан сувлар устида
Нурлар ялт-юлт ўйнайди.

Шилдир-шилдир сув оқар,
Мусикадек ёқимли.
Саси билан тебратар
Менинг янги боғимни.

ГУЛЛАР ТАҚСАМ...

